ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв.
Ноёб нашрлар шўъбаси ЎзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

РЎЗНОМА
1918 ЙИЛ
21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

№ 274 (20. 841) • 1990 йил 30 ноябрь, жума • Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ҲАЁТИ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

КЕЛГУСИ ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН


● ҚАШҚАДАРЁ

Ҳосил тақдири куздаги шудгорнинг сифатига боғлиқ. Шу боисдан Косон район деҳқонлари мавжуд майдонларни қисқа фурсатда ҳайдовдан чиқаришга ҳаракат қилишаётир. Шу кунларда район хўжаликларида бу иш қизғин бормоқда. Ҳайдов олдидан ҳар гектар майдонга 350—400 килограммдан минерал ўғит солиняпти.

Свердлов номли, Охунбобоев номли, «Ударник» давлат хўжаликларида шудгорлаш ниҳоясига етказилди.

Айни пайтда келгуси йил ҳосилига замин ҳозирлаш ишлари «Партия XXII съезди», «Шарқ юлдузи» жамоа хўжаликлари, Ленин номли. Чуйков номли давлат хўжаликларида ҳам авж олдирилмоқда. Чуйков номли қўриқ хўжалигида кунига 80—90 гектар ер сифатли шудгор қилиняпти. Сифат комиссияси ҳайдалган ерни механизатордан синчиклаб қабул қилиб олмоқда. Унга ҳар гектар ерни шудгор қилганлиги учун 10—12 сўмдан ҳақ тўланяпти. Бу эса қузги-қишки тадбирлар ўз вақтида сифатли ўтказилишини таъминламоқда. Район бўйича 35 минг гектар ер шудгор қилиниши керак. Ҳозиргача ярмидан зиёди сифатли ҳайдовдан чиқарилди. 400 та ҳайдов трактори билан ҳар куни 2-2,5 минг гектар ер ҳайдаляпти.

М. КАРОМОВ.



Абдуллажон Жумаев қатор йиллардан буён Поп районидаги «Навбаҳор» давлат хўжалигида меҳнат қилиб келаётир. У чигит экишдан тортиб, ҳосилни йиғиштириб олишгача бўлган ишларда актив қатнашади. Моҳир механизаторнинг мақсади — келгуси йилда ҳам дала ишларини тез ва соз бажариш. Ҳозир у ўз агрегатини барвақт созлаб қўйди.

СУРАТДА: А. Жумаев.
Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Президент Кенгашининг мажлиси

28 ноябрь куни Ўзбекистон ССЖ Президент Кенгашининг мажлиси бўлди.

Мажлисда Ўзбекистон миллий-маданий марказларининг фаолияти ва уларнинг ишини такомиллаштириш тадбирлари кўриб чиқилди.

Жумҳуриятда ҳозиргача 35 та мана шундай марказ тузилганлигини, улар Ўзбекистонда яшаб турган миллат ва элатларнинг маданий талаб-эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашаётганини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Уларнинг ишини мувофиқлаштириб туриш учун ҳукуматнинг талабига биноан жумҳурият миллатлараро маданий маркази барпо этилди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов байналмилал тарбия, халқлар ўртасида дўстлик, ишонч ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш иши миллий-маданий марказларнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолиши кераклигини таъкидлади. Шу мақсадда бу марказлар биргаликдаги тадбирларни кўпроқ ўтказиши, ўзаро фаол ҳамкорлик қилиши лозим.

Жумҳуриятда яшаб турган миллий гуруҳларнинг маданий талаб-эҳтиёжларини қондириш ишини такомиллаштириш учун халқ депутатлари маҳаллий Советларига, жумҳурият вазирликлари ва идораларига, партия ва бошқа жамоат ташкилотларига аниқ шарт-шароитга қараб бу соҳадаги муаммоларни ҳал қилишнинг фаол чора-тадбирларини кўриш тавсия этилди.

Шу куннинг долзарб муаммоси — Иттифоқ шартномаси лойиҳасига Ўзбекистон ССЖнинг таклифлари Президент Кенгаши мажлисининг кун тартибига алоҳида банд қилиб киритилган эди.

Президент Кенгашининг аъзолари Иттифоқ шартномасининг ҳозирги лойиҳаси пухта ишлаб чиқилиши керак, деган фикрни билдирдилар. У замон талабларига кўпроқ даражада мос бўлиши, жумҳуриятларнинг энг муҳим манфаатларини эътиборга олиши керак.

Ўзбекистон ССЖ Президенти бу масалада жумҳуриятнинг фикри битта, у ҳам бўлса — Иттифоқ шартномаси «юқоридан» туширилиши мумкин эмас, у жумҳуриятлар ўз ижодининг маҳсули бўлиши лозим, деб таъкидлади. Бу ҳужжат бир томондан, унга кирувчи барча жумҳуриятларни бирлаштирадиган негизга эга бўлиши, иккинчи томондан эса, етарли даражада пухта бўлиб, ўзининг барча аъзолари учун энг мақбул шаклни танлаб олиш имкониятини кўзда тутиши керак.

Мажлисда Президент Кенгашининг ҳолати, кенгаш фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Президент Кенгашининг ишида Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов иштирок этди.

(ЎзТАГ).

ФАОЛЛАР СЕМИНАРИ

Тошкентда жумҳурият касаба уюшмалари идоралари раҳбарларининг семинари бўлиб ўтди. Семинар иштирокчилари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иш юритиш муаммоларини муҳокама қилдилар.

Семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Б. А. Алламуродов маъруза қилди.

Семинар иштирокчилари касаба уюшмалари ҳаракат дастурини муҳокама қилдилар, бюджетни вужудга келтириш, шифохоналар қуриш; маданият ва спорт муассасаларини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини кўриб чиқдилар.

Семинарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби А. С. Ефимов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

● *Нуқтаи назар*

ДЕҲҚОН ҚАНОТИ НЕГА ОҒИР?

Сиз билан биз ҳар куни эшитадиган гап шу: раис муҳандисдан, муҳандис таъминотчидан, таъминотчи эса трактурчининг хўжасизлигидан нолийди. Аҳвол эса ҳамон ўша-ўша! Трактор ҳовли олдидаги тепаликка қия қилиб қўйилади, чунки аккумулятор йўқ. Агрегатлар мавсумнинг қизиғида даланинг ўртасида тўхтаб қолаверади. «Зангори кема»лар эса қишин-ёзин очиқ ҳавода. Қишлоқда техниканинг на ҳисоби бор, на китоби — уловидан тушови қимматга тушаяпти.

Ижара пудратига ўтилгач, вазият яна мураккаблашди. Хўжалик раҳбарлари техника воситалари ишнинг тезкорлигига дош беролмай қўйганини тан олишяпти. Айниқса, эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги кайфиятгагина эмас, ишнинг сифати ва унумига ҳам таъсир қиляпти.

Хўш, нима қилиш керак? Олимлар техникада ҳам тўла ижарага ўтишни таклиф этишяпти:

— Машиналардан самарали фойдаланиш имкониятлари қидирилмаяти, — дейди профессор Н. Санаев. — Қишлоқ техникаси муайян жавобгар шахсга биркитилиши, механизаторларни моддий қизиқтириш, бунинг учун нормаларни тўғри белгилаш, оператив ҳисоб-китоб ва чек усулини қўлланиш зарур.

— Аммо биз ҳозирча бундай йўл тута олмаймиз, — дейди пахтачилик механизатори О. Мавлонов. — Чунки ҳали қишлоқда техникани ишлатишда хўжасизлик ниҳоятда кучли. У битта механизаторнинг жонкуярлигигагина боғлиқ эмас. Масалан, Т-4 маркали трактор нархи 4 минг сўмдан 10 минг сўмга чиқди. 6—8 тийинлик ёнилғини ҳозир қарийб 14 тийиндан оляпмиз. Район ремонт устахонаси эса арзимаган эҳтиёт қисм учун чўнтагимизни қоқлаб олади. Демак, ижарага ўтилса, механизатор ёки деҳқон зарар кўриши аниқ. Чунки ортиқча харажатга тушган тракторчи деҳқонга ҳозиргидек «текин»га ишлаб бермайди. Ёки, аксинча, ўзи ҳам айрим эҳтиёт қисмга кўпроқ пул сарфлаши мумкин.

Қизиқ, МТСлар бир вақтлар қишлоқ техникасининг маркази бўлган. Нега энди район ремонт-ишлаб чиқариш корхонаси билан хўжалик ўртасидаги алоқа кундан-кун таранглашиб боряпти? Қишлоқ хўжалиги техникасининг қолоқлигини улар ўзларича шарҳлашади: бири тракторчи хўжасизликка йўл қўяпти, деса, иккинчиси, техника воситаларининг сифатсизлигидан ва эҳтиёт қисмларнинг етишмаслигидан нолийди.

Аслини олганда иккаласи ҳам ҳақ!.. Икки-уч соат далада ишлаган трактор олти-етти соат тракторчининг ихтиёрида бўлишини ким билмайди, дейсиз. Томорқани тракторчига ҳайдатиб олиш ёлғонми? Тележкага миниб тўйга бориш-чи?

Ремонт корхонасидагилар ҳам анойилардан эмас. Колхознинг хазинаси камаярмиди, деган ўйда бажарилмаган иш учун ҳам накладнойни қоралаб ташлайверишади. Фақат эндигина айрим колхоз раислари пул нима учун тўланганлиги билан қизиқиб қолдилар. Дарвоқе, Иштихон районида бу нарса катта йиғинда жиддий кўриб чиқилди. Жуда кўп хўжаликлар жорий ремонтни бевосита хўжалик устахонасида амалга оширишни маъқул кўрдилар. Мисол учун «Зарафшон» жамоа хўжалиги 1989 йилда жорий ремонтни ўзида амалга оширганлиги учун 100 минг сўм пулни тежаб қолди. Бундан кейин эҳтиёт қисмлар кўпроқ ремонт устахонасига эмас, бевосита хўжаликнинг ўзига бериладиган бўлди.

— Очиғини айтадиган бўлсак, ишчи-трактор-созларимиз бизга ўгай кўз билан қарашяпти. Улар юз от кучига эга бўлган трактор ясашга ваъда берган эдилар. Аммо биз ҳанузгача бу техникани олганимиз йўқ, — дейди куюнчаклик билан Каттақўрғон районидаги Ленин номли колхоз бош муҳандиси С. Рўзимуродов.

Ремонт-ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам тушуниш мумкин. Улар вилоят «Агроремонтснаб» бирлашмасининг қулига айланиб қолишган. Бундан атиги 6—7 йил илгари бундай корхоналарнинг аксарияти заводга тенглашиб қолган эди. Аммо қарияларнинг нафақаси ошса ҳам уларда ишлайдиганларнинг маоши ошгани йўқ. Шу боисдан айрим қўлидан иш келадиган мутахассислар ишдан кетиб қолмоқдалар.

Келинг, айрим рақамларга назар ташлайлик. 1988 йил якунига кўра бирлашма базасида 200 минг сўмлик эҳтиёт қисмнинг нархи туширилган. Демак, ё тижорат йўлга қўйилмаган, ё ҳисоб-китобнинг тайини йўқ. Дарвоқе, бирлашма ҳисобида чорвачилик учун механизмлар етарли бўлган ҳолда маъмурият Улуғбек номли базага ана шундай ускуналардан яна 300 тасига буюртма берган. Умуман, ҳозир базада 2, 3 миллион сўмлик нормативдан ортиқча чорвачилик механизмлари тўпланиб қолган.

Тўғри, бирлашма кейинги пайтда айрим корхоналар билан турли эҳтиёт қисмлар ясаш юзасидан шартномалар тузмоқда. Мисол учун Пахтачи ремонт-ишлаб чиқариш корхонасида вилоят учун етарли даражада узатмалар қутисига шестерна ясаляпти. Қайиқ заводи сув насоси учун паррак ясаяпти. Минг афсуски, ишлатилган деталларни қайта тиклаш 1987 йилдагига қараганда 100 минг сўмга камайиб кетди. Техник қаровда ҳам кўрсаткичлар анча паст. Бундан ташқари ремонт қилишда қўшиб ёзишларга йўл қўйиляпти. Фондларни тақсимлашда социал адолат принциплари бузилаётир.

Кўриниб турибдики, агросаноат уюшмасига қарашли «Агроремонтснаб» бирлашмаси фаолиятида ҳали анчагина қусурлар мавжуд. Ўзбек тилида у агросаноат комплексини моддий-техника ва инженерлик хизмати билан таъминлаш бирлашмаси деб аталади. Бир томондан — қишлоқдаги барча техника хизматининг бир ерга тўпланиши яхши бўлди. Аммо хўжаликлар ва ремонт корхоналарининг уларга тобе бўлиши маҳкамачиликнинг яна бир босқичини яратади. Шу боисдан ҳам бирлашма бевосита хўжаликларда йирик, малакали устахоналар қуришга унчалик қизиқмайди. Очиғи, ҳозир вилоят хўжаликларининг 70 фоизида дурустроқ устахона йўқ.

Ҳамма айбни вилоят бирлашмасига тўнкайвериш ҳам инсофдан эмас. Тармоқ тартибининг нотўғри ишланганлиги кўплаб ҳаракатларни пучга чиқармоқда. Бунинг устига биз ҳамон ўз қишлоқ техникамиз базасини яратишга киришмаяпмиз. Оддий мисол. Жумҳуриятда бирорта ҳам корхона такомил аккумуляторлар ишлаб чиқармайди. Радиатор масаласида ҳам шу хил аҳвол. Оренбург шаҳрига ишчи юбориб, ўрнига кам миқдорда радиатор оламиз. Наҳотки, бевосита қишлоқларнинг ўзида, ҳеч бўлмаганда вилоят марказларида қишлоқ техникаси марказлари ташкил этиш мумкин эмас?

ТЕХНИКА ДЕҲҚОННИНГ ҚАНОТИ, дейишади. Надоматлар бўлсинким, шусиз ҳам рўшнолик кўрмаган деҳқон бу қанотдан кам фойда кўряпти. Аммо қанотларни енгил қилиш кимнинг қўлидан келади? Гап ана шу саволга жавоб топишда.

Ф. ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг Самарқанд вилоятн бўйича мухбири.

Миннатдорчилик ифодаси

Илгари хабар қилинганидек, ГФЖ раҳбарияти Совет Иттифоқида амалга оширилаётган қайта қуришни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга оид кенг кўламли тадбирни жадаллаштириш муддаосини назорат қилган эди. Шу муносабат билан ССЖИ Президенти М. С. Горбачев «Штерн» журналининг мурожаатномасига муносабат билдириб, қуйидаги баёнотни берди:

Азиз дўстлар!

Бизнинг мамлакатимизда бошланган қайта қуриш қандай улкан ўзгаришларга сабаб бўлганлигига бугунги кунда ҳеч ким шубҳа қилмаяпти.

Ўтмишимизни, етмиш йиллик мураккаб ва зиддиятли тажрибамизни танқидий нуқтаи назардан қайта англашга киришар эканмиз, биз аввало ўзимиз тўғримизда ўйладик, албатта. Мамлакатимизда айни инқилобдаги инқилоб тўғрисида гап бормоқда. Бу шунчаки ибора ҳам, тасаввур ҳам эмас, бу — мамлакатимизда амалда содир бўлаётган жараёндир. Мамлакат, жамият, ҳар бир кишининг онги дуч келаётган кўпдан-кўп қийинчиликларнинг изоҳи мана шундадир.

Бир томондан таҳсинлар, бошқа томондан — тушунмаслик, тўсқинлик қилишгача етиб борган қаршилик, бошланган тарихий бурилишга замин тайёрлаган кишилар шанига айтилаётган лаънатларнинг боиси мана шундадир.

Аввалги ташқи сиёсий ва стратегик доктриналарни тубдан қайта кўриб чиқмай, хавф-хатарлар таъсирида ва ана шу хавф-хатарга нисбатан шундай муносабат натижасида юзага келган барча қолоқ фикрларни бартараф этмай туриб, мамлакат ичкарисида қайта қуришни амалга ошириб бўлмаслиги мутлақо равшан эди.

Ҳозирдаёқ Европа қайта қуриш самараларидан баҳраманд бўлмоқда. Биз ҳаммамиз «совуқ уруш»га ва, умид қилишни истардимки, умуман урушларга чек қўйилаётганининг гувоҳи ва қатнашчилари бўлишдек бахтга муяссар бўлдик. Биз бугунги кунда янги тинч маърифат пойдеворини бунёд этяпмиз. Унда ҳар бир халқ ўзи танлаб олган турмуш тарзи ва ижтимоий тузумидан қатъи назар тараққиётнинг барча неъматларидан фойдалана олиши ва ўзини тенглар орасида тенг деб ҳис этиши мумкин.

Агар муддаоларимиз ва ниятларимизда халқларимизнинг ҳар бири — бутуннинг қисми эканлигини ва мустаҳкам истиқболни барпо этиш — биргаликдаги муштарак вазифамиз эканлигини ёдда тутсак, ана шу бирмунча адолатли фаровон дунё сари бора оламиз.

Совет кишилари биздаги янгиланишни тушуниш ва маъқуллаган, унинг умумбашарий қадриятини эътироф этган барча дўстлардан миннатдормиз. Биз барча режаларимиз амалга оширишни кутиб ўтирмай Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик қилиш истагини изҳор қилаётган, уни шерик ва яхши қўшни деб билган, қайта қуришга хайрихоҳлик билдирибгина қолмай, шу билан бирга уни маблағ билан таъминлашга ҳозирлик изҳор қилган барча кишилардан миннатдормиз.

Ҳозир, биз бозор иқтисодиёти соҳасига ўтаётган пайтда, истеъмол соҳасида анчагина кескинлик сезилмоқда, тартиб ўрнатиш, меҳнат ахлоқини зарур даражага кўтариш, ишлаб чиқаришни юксалтириш юзасидан ўз куч-ғайратларимизнинг ўрнини четдан бериладиган ҳеч қандай ёрдам ва мадад эгаллай олмаслиги равшандир. Бироқ яхши қўшнилар ва дўстларнинг ёрдами ҳеч қачон ортиқча бўлмайди.

Мана шу ғоят мураккаб дамларда бутун Европадаги хайрихоҳлик муҳити, эртанги кунга ишонч, олға томон назар ташлаш ва фақат муаммоларнигина эмас, шу билан бирга уларни ҳал этиш имкониятларини кўра билиш қобилияти айниқса муҳимдир.

Мен «Штерн» журналининг саҳифалари орқали бир қанча мулоҳазаларимни билдириш ҳамда ҳаммангизга ишларингизда муваффақият ва ҳар бир немис хонадонига бахт-саодат тилаш учун унинг таклифидан фойдаланаётирман.

М. ГОРБАЧЕВ.

КПСС МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ СИЁСИЙ БЮРОСИ БАЁНОТИ

ЛИТВА ССЖДА ДЕМОКРАТИЯГА ҚАРШИ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАР ҚИЛИНАЁТГАНИ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БУЗИЛАЁТГАНИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Қўмитасининг Сиёсий бюроси мамлакатнинг турли минтақаларида, аввало Литвада фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқлари паймол этилаётгани муносабати билан ташвиш ва хавотирлик билдиради. Бу ерда одамларни сиёсий эътиқод ва қарашлари учун таъқиб этиш, бошқача фикрловчиларга нисбатан маънавий жазолаш, улардан жисмоний ўч олиш ва ишдан бўшатиш билан дўқ-пўписа қилиш, касби бўйича ишлашни амалда тақиқлаб қўйиш воқеликка айланмоқда.

Демократияга қарши бундай хатти-ҳаракатлар жумҳурият қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилмоқда, расмий сиёсат тусини олмоқда. Масалан, Литва Олий Кенгаши «Сиёсий партиялар тўғрисида» Қонун қабул қилди. Шу Қонунга мувофиқ жумҳуриятдаги совет фуқароларининг анча қисми сиёсий фаолият билан шуғулланолмайди. Меҳнат жамоаларида сиёсий партияларнинг ташкилотларини тузиш, ҳарбий хизматчиларнинг ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг партияларда бўлиши Иттифоқ қонунларига зид равишда тақиқланмоқда. Ушбу Қонун кўрсатмаларини бажариш Литвада кўпмиллатли Иттифоқ давлатининг бутунлигини ҳимоя қилувчи барча мавжуд ижтимоий-сиёсий бирлашмалар ва ташкилотларнинг тугатилишини билдиради.

Аҳоли барча табақаларининг манфаатларини ҳисобга олмай, ССЖ Иттифоқидан ажралиш йўлини тутган Литва парламентининг Конституцияга зид фаолиятига қаршилик кўрсатишнинг самарали воситалари йўқлиги ҳукмрон гуруҳ тоталитар режим ўрнатишига кўмаклашмоқда. Шундай вазиятда айирмачилар, ҳаддидан ошган унсурлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг йўл қўйиб бериши натижасида кейинги кунларда Совет ҳокимияти тарафдорлари билан ошкора мухолифлик йўлини амалга оширишга ўтдилар. Октябрга қарши тадбирларнинг қатнашчилари коммунистларга, «Литва халқининг хоинлари»га, Литва миллатига мансуб бўлмаган шахсларга, Совет Армияси жангчиларига қарши «муқаддас уруш» эълон қилдилар, уларга қарши иғвогарлик ва зўравонлик ҳаракатлари қилдилар.

Бир қанча қонун ҳужжатлари, шу жумладан «Литва жумҳурияти жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида»ги Қонун судларга КПССга аъзоликни «бошқа давлат» партиясида қатнашиш деб, коммунистларнинг ҳозирги Литва раҳбариятининг Конституцияга зид тадбирларига қарши ҳаракатларини давлатга хоинлик қилиш деб баҳолашлари ҳамда узоқ муддатли қамоқ жазосига ва ҳатто ўлимга ҳукм қилишлари ҳуқуқини беради.

Бу қонунлар демократиялаш жараёнини йўққа чиқаришга, авторитар ҳокимиятни қарор топтиришга олиб боради, қайта қуришнинг илгари эълон қилинган мақсадларидан воз кечишдан далолат беради.

КПСС Марказий Қўмитасининг Сиёсий бюроси ССЖИ Конституцияси ва қонунлари, ССЖИ халқ депутатлари учинчи съездининг ва ССЖИ Олий Кенгашининг қарорлари, ССЖИ Президентининг Литвадаги вазиятга доир фармонлари бундан буён поймол этилишига йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблайди.

КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси Литва ССЖда демократияга зид тадбирларга ва инсон ҳуқуқлари бузилаётганлигига қарши норозилик билдиради. Бундай хатти-ҳаракатлар одамларни тушкунликка туширади, уларда қўрқув ва ишончсизлик туйғусини келтириб чиқаради, ижтимоий кескинлик кучайишига олиб боради. Мамлакат барча коммунистларининг бурчи Литванинг тараққийпарвар кучлари билан байналмилал бирдамликни изҳор қилишдан, инсонпарвар мақсадларни ва умумбашарий қадриятларни ҳимоя қилишдан иборат.

КПСС Марказий Қўмитасининг Сиёсий бюроси жумҳурият Олий Кенгашини соғлом ақл-идрок, масъулият туйғусини намоён этишга, ўз халқи ва умуман мамлакат манфаатларига қарши хатти-ҳаракатларнинг юз бериши мумкин бўлган барча оқибатлари ҳақида ўйлаб кўришга даъват этади.

КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси ССЖИ Олий Кенгашига, мамлакат Президентига, ҳукуматига мурожаат қилиб, Литвадаги совет фуқароларининг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш учун барча чораларни кўришга чақиради.

ТАШРИФ ТУГАДИ

Хитой Халқ Жумҳурияти Шинжонг-Уйғур автоном райони халқ ҳукумати раиси Т. Давомат бошчилигидаги Шинжонг-Уйғур автоном райони ҳукумат делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи самарали бўлди. Вазирликлар, идоралар, корхоналар билан муҳим шартномалар, битимлар имзоланди.

29 ноябрь куни меҳмонлар Хитой термосларини ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган қўшма «Ташинтерм» корхонасига бордилар. Корхонани янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзТАГ).

ПАХТА ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

29 ноябрь куни Тошкентда Ўзбекистон пахтачилик маҳсулотн улгуржи савдоси жумҳуриятлараро ярмаркаси очилди. Бу жумҳурият ташкилотларининг кучлари билан биринчи марта тажриба тариқасида ўтказилаётган тадбир ҳисобланади.

Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Х. Жўрабеков ярмаркани очар экан, бу ишни Ўзбекистоннинг бошқа жумҳуриятлар билан иқтисодий алоқа боғлашига чек қўйиш деб баҳолаш керак эмаслигини айтди. Аксинча, бошқа жумҳуриятлар билан бевосита алоқалар мунтазам равишда кенгаяди ва такомиллашади. Бироқ, айни вақтда Ўзбекистон ҳукумати ўз жумҳуриятига аҳолисининг манфаатларини биринчи навбатда ҳисобга олади. Ўзбекистон маълум даражада хом ашё етказиб берувчи жумҳурият бўлиб, одамлар турмуш даражасини оширишга тўла муваффақ бўлмади. Бундай камчиликлар ҳайдаладиган ерларнинг ишдан чиқишига, сув тақчиллигига, озиқ-овқат маҳсулотлари етарли даражада ишлаб чиқарилмаслигига олиб келди. Пахта толасига янги прейскурант нархлар ушбу муаммоларни ҳал этишга кўмаклашмоғи лозим.

И. Х. Жўрабеков ярмарканинг мамлакатимиз барча жумҳуриятларидан Тошкентга келган қатнашчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ УСТАВИ ВА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАДА

Сирдарё вилоятн матлубот жамиятн автокорхонаси Гулистон шаҳридаги йирик транспорт жамоаларидан биридир. Бу ерда 600 га яқин киши меҳнат қилади. Автокорхона бошланғич партия ташкилоти — жамоа ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Коммунистларнинг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Коммунистик партияси Устави ва Ҳаракат дастури лойиҳалари атрофлича, кенг муҳокама қилинди.

ЭНДИ СУСТКАШЛИК КЕТМАЙДИ

Гарчи йиғилиш дастлаб суст бошланган бўлсада, лекин у бора-бора қизғин тус олиб кетди. Ўзаро фикр алмашувлар, тортишув, баҳслар кучайди. Йиғилиш қатнашчиларининг асосий қисми сўзга чиқдилар, баъзилар эса ҳатто қайта сўз сўрадилар. Мана улар ўртага қўйган масалалар:

Шуҳрат АЛИҚУЛОВ, фойдаланиш бўлими бошлиғи: — Мен Устав ҳамда Ҳаракат дастури лойиҳаларини диққат билан ўқиб, ўрганиб чиқдим. Бу ҳужжатларда жумҳуриятимиз сиёсий ва иқтисодий мустақиллик учун йўналиш олгани ифодаланган шахсан мени қувонтиради.

Мен Ҳаракат дастурининг иккинчи бўлими қуйидаги сатрлар билан бошланишини таклиф этаман: **«Жумҳуриятимизнинг ҳақиқий суверенитети учун курашмоқ — ҳар бир коммунистнинг бош вазифаси, асосий мақсадларидан бўлмоғи лозим».**

Қодир РАУПОВ, корхона директори: — Кўпчилик шофёрларимиз, бошқа ишчи ва хизматчиларимиз ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётган бўлсаларда, лекин коммунистлар орасида суст ишлайдиганлари йўқ эмас. Эндиликда бу иллат билан жиддий курашадиган вақт келди. **Мен дастурнинг бешинчи бўлими, олтинчи қаторидан сўнг: «Ўзбекистон Коммунистик партияси ўз мақсадлари учун кураш йўлида сустқашлик билан асло чиқиша олмайди», деган сатрларни қўшиб қўйишни таклиф қиламан.**

Файзулла ДУШАЕВ, касаба союз ташкилоти раиси: — Тан олишимиз керак, партия ташкилотимиз оғир синовларни бошдан кечирмоқда. Партияга ҳужумлар илгари ҳам бўлган. Лекин ҳозирги давр ҳужуми бутунлай бошқа нарса. Биз ҳар биримиз ўз ишимиз, фолиятимиз ҳақида жиддий ўйлаб кўришимиз, ҳозирги мураккаб дамларда бирор қарор қабул қилишдан олдин етти ўлчаб, бир кесишимиз керак. Эҳтиёткорлик, адолатпарварлик — ғоят муҳим нарса. Шуларни ҳисобга олиб, мен жумҳурият партия ташкилоти **Ҳаракат дастурининг «Ўзбекистон Компартиясини янгилаш ва демократиялаш учун» бўлимининг учинчи абзацига: «Ўзбекистон Компартияси турли фикрдаги кишиларга бардош ва эътибор билан қарайди», деган сўзларни киритиш керак,** деб биламан. Токи, биз билан ҳамкорликда бўлишни истаганлар — ўзларини эркин сезсинлар, умумий иш фойдаси учун курашсинлар.

Марат ҲУСАНОВ, слесар: — Кўп одамлар партия сафига нима учун кирганлигини ўзлари ҳам билмайди. Натижада мамлакатимизда, партиямизда ҳозиргидай танг аҳвол юзага келиб қолди, жумҳурият партия ташкилоти Устави ҳамда Ҳаракат дастурида масаланинг ана шу томонига алоҳида эътибор берилиши керак, деб ҳисоблайман. Коммунистларга нисбатан бўлган талаб янада оширилмоғи лозим.

Ҳусан ЭРМАТОВ, пенсионер: — Устав лойиҳасида баъзи қайтариқлар бор. Менимча, лойиҳани 25—30 фонзга ихчамлаштириш керак. Пенсиядаги коммунистларга бўлган муносабатлар устида қайтадан жиддий ўйлаб кўрмоқ лозим. Мен бу-лар ҳақида ўз фикрларимни баён этиб, шаҳар партия комитетига топширдим. Улар эътиборга олинади, деган фикрдаман.

Шерали ИУЛДОШЕВ, ишчи: — Ўттиз йил партия сафида бўлган коммунистларга партия ветерани унвони берилиши ҳақидаги Устав лойиҳасидаги қоидани маъқуллайман.

Муҳокама қизғин руҳда ўтди. Бошланғич ташкилот йиғилиши билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни партия юқори органларига юбориш тўғрисида қарор қабул қилди.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ҚАТЪИЙ ИНТИЗОМ КЕРАК

Жумҳурият тарихида биринчи марта Ўзбекистон коммунистлари ўз Уставига ва Ҳаракат дастурига эга бўлаётгани беш йил аввал бошланган қайта қуриш ва янгиланиш сиёсатининг муҳим натижасидир. Ушбу ҳужжатлар матбуотда эълон қилиниши билан район коммунистлари ва уларга муносабат билдиришни истаган кишилар Устав ва Ҳаракат дастури лойиҳаларини қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Район партия комитетига жойлардан келиб тушаётган таклиф ва мулоҳазаларнинг ниҳоятда кўплиги бу ишнинг қанчалик кенг кўлам касб этганини кўрсатиб турибди. Райком коммунистларнинг истак ва хоҳишини инобатга олиб Устав ва Ҳаракат дастури лойиҳаларини муҳокама қилишни авваллгидек бошланғич партия ташкилотларига аниқ график белгилаб ташкил этишдек тажрибадан воз кечди. Бунинг ўрнига райком ходимлари маҳаллий рўзномада ўз мақолалари билан чиқиб, барча коммунистларни ҳамда меҳнаткашларни ўз фикр-мулоҳазаларини ва таклифларини мустақил равишда рўзномага юборишни таклиф қилдилар. Мен ҳам кўпчилик қатори Ўзбекистон Компартияси Устави лойиҳаси юзасидан ўз фикримни ва таклифларимни билдирмоқчиман.

Лойиҳанинг **6-бандида «Ўзбекистон Коммунистик партиясининг КПСС таркибида қолиш-қолмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш зарур бўлиб қолган тақдирда, бу масалани жумҳурият коммунистларининг референдуми ўтказилгандан кейин Компартиянинг съезди ҳал қилади»,** деб таъкидланган. Мен шу ўринда **«Компартиянинг съезди ҳал қилади» деган жумлани олиб ташлаш жоиз деб биламан. Чунки референдум (умумхалқ овози) демократиянинг энг юқори даражадаги кўриниши бўлиб, жумҳуриятдаги барча коммунистлар фикрини ифода этади ва масала шу тарзда ҳал қилингандан кейин съездда кўриб чиқилишига ҳожат қолмайди.** Мен шунингдек, лойиҳанинг 7-бандидаги **«...партияни мунтазам равишда моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаб турадиган» деган жумладаги «мунтазам равишда» сўзларини олиб ташлаш лозим деб биламан.** Чунки, бошланғич партия ташкилоти қарори билан саломатлиги ёмонлашганлиги учун ёки комсомол органларида маош олиб ишловчи коммунистлар аъзолик бадаллари тўлашдан озод қилиниши Устав лойиҳасининг бошқа бандларида кўрсатилган. Юқорида қайд қилинган жумланинг бўлиши эса Уставда қарама-қарши фикрларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Лойиҳанинг 18-бандида **«...сайлаб қўйилган органнинг ҳар бир аъзоси ўз иши ҳақида уни сайлаган ёки тавсия қилган партия ташкилотлари олдида ҳисобот беради» деган жумлани аниқлаштириб «йилига камида бир марта» деб қўшиб қўйилишини таклиф қиламан.** Шундай қилинса, сайлаб қўйилган партия органларининг аъзолари ўз иши учун масъулиятни янада чуқурроқ сезади.

К. СЕИТОВ,
Элликқалъа район партия комитети ташкилий бўлими мудири.



АВТОМОБИЛЧИЛАР МАДАДИ

Оролбўйи атрофида яшовчи аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида шу йил Элликқалъа районида «Бўстанводстрой» трести ташкил этилганди. Айни кунларда мазкур қурилиш трести бунёдкорлари Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти районларида анчагина дуруст ишларни олиб боришяпти. Бу хайрли тадбирларни амалга оширишда трестнинг 8-автобаза ҳайдовчилари ҳам муносиб улуш қўшмоқдалар. Улар қурилиш объектларига юкларни ўз вақтида келтириб беришяпти.

СУРАТДА: 8-автобазанинг тажрибали ҳайдовчиси Қўзи Жумабоевни кўриб турибсиз. У зиммасидаги ойлик топшириқларни оширибгина қолмай, бажармоқда.

Э. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

АЁЛГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Ҳаракат дастурида хотин-қизларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари батафсил ёритилган. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг маданияти даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан ўлчанади.

Ўзбек аёлининг тақдири хусусида бугун кўп ва хилма-хил фикрлар билдирилляпти. Айримлар уни ҳатто паранжидан чиқариш ҳам нотўғри бўлган эди деса, бошқалар аёлларимиз ҳамон ҳаётдан орқада, деб нолийдилар. Ёки ўзбек аёлини ичкаридан олиб чиқишди-ю, елкасига икки баробар юк ортиб қўйишди қабилидаги гаплар кўпайди. Тўғри, бу гапларнинг айримларида жон бор. Аммо ҳақиқатнинг юзига тик боқмоқ керак. Коммунистик партия аёлларни моддий ва маънавий қарамликдан олиб чиққани, ўзини зиёфа, яримта эмас, балки тўлақонли, озод инсон деб ҳис қилишига шароит яратгани ҳам ҳақиқат.

Мен ўттиз йилдан буён ёш авлодга таълим бераман. Оиламиз тотув. 9 фарзандни тарбиялаб ўстирдик. Узоқ йиллар бошланғич партия ташкилоти котиби бўлиб ишладим. Шу боис уйда бекалик, идорада эса раҳбарлик қилган аёл турмушининг мураккаблигини қалбдан ҳис этаман. Бироқ қобилиятли, салоҳиятли аёл кадрларни яна ўчоқ бошига қайтарсак, унинг ўзига ҳам, жамиятга ҳам фойда бўлади, деган гапларга мутлақо қаршиман. Ҳаракат дастурида аёлларнинг жамиятдаги роли ва фаолияти масаласига бағишланган ўринларни синчиклаб ўқиб чиқдим. Аёлларга яхши яшаш ва унумли меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш кераклиги тўғри қайд этилган. Дастурнинг **«Ўзбекистон Компартиясини янгилаш ва демократиялаш учун» бобида хотин-қизлар ҳаракатига раҳнамолик масаласини бирмунча кенгайтириш лозимга ўхшайди. Бу ўринда менинг айрим мулоҳазаларим бор. Масалан, ҳозирги пайтда Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаракатида турли йўналишлар борлиги сир эмас. Баъзан эса партия снёсатига мутлақо зид иш юритаётган ҳаракатлар ҳам мавжуд. Шу боис ушбу боб сўнгидаги бандни Ўзбекистон Компартияси «Коммунистик партияга хайриҳоҳ бўлган тараққийпарвар ва байналмилал ҳарактердаги хотин-қизлар ҳаракатини қўллаб-қувватлайди... Хотин-қизлар орасидан чиққан иқтидорли, етук, ҳар тарафлама мукаммал кадрларни давлат ва жамоат идораларида кенг кўламда иштирок этиши учун курашади» тарзида ифода этилишини таклиф қиламан.**

Тўхтахон МИРЗАБОЕВА, Марғилон шаҳридаги 27-ўрта мактаб директори, ЎзССЖ халқ маорифи аълочиси.

Ўзбекистон Компартиясини янгилаш, уни демократиялаш билан узвий боғлиқдир. Бундан мақсад коммунистларни партия турмушининг марказига қўйиш, партия снёсатини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда партиялилар оммаси бевосита иштирок этишини таъминлашдан иборат.

(Ўзбекистон Компартиясининг Ҳаракат дастури лойиҳасидан).

МАЖБУРИЯТ ЭМАС, МАСЪУЛИЯТ БЎЛСИН

Ўзбекистон Компартияси Устави лойиҳаси умуман менга маъқул. Аммо баъзи мулоҳазаларим ҳам бор. Устав лойиҳасининг 9-моддасида «халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга, жумҳуриятда яшовчи барча миллат ва элатлар вакилларининг миллий анъаналарига, тарихий ва маданий меросига, тилига ҳурмат билан қарашга» деган сўзлардан кейин **«ижтимоий ҳаётда фаол қатнашишга»** деган сатрларни қўшмоқ мақсадга мувофиқ. Чунки КПСС аъзоси ҳамиша омма ўртасида бўлиши ва иш олиб бориши керак.

Жумҳуриятимизга четдан партия билети билан келган кишилар (қандай аъзо бўлганлиги бизга номаълум) раҳбарлик вазифаларида, ҳар хил кооперацияларда ишламоқда. Менимча, шунга кўра Устав лойиҳасининг 7-моддасидаги **«жумҳуриятда ишлаш, ўқиш ёки яшаш учун келадиган ҳар бир партия аъзоси партия ташкилоти ҳисобига ўтгандан кейин Ўзбекистон Компартиясининг аъзоси бўлиб қолади» деган жумлани «ишлаш, ўқиш ёки яшаш учун келадиган ҳар бир КПСС аъзоси жумҳуриятда камида бир йил ишлаб синовдан ўтгандан кейин Ўзбекистон Компартиясининг аъзоси бўлади»,** деб ўзгартиришни таклиф этаман.

Лойиҳанинг 12-моддасидаги **«партия юқори раҳбар органлари қарорларини бажариш қўйи органлар учун, раҳбар партия органлари қарорларини бажариш ижроия ва назорат органлари учун, бошланғич партия ташкилоти қарорларини бажариш унинг ҳисобида турган коммунистлар учун мажбурийлигини таъминлайди»** деган жумладаги **«мажбурий»** сўзини **«лозим»** ёки **«керак»** сўзлари билан алмаштирилса яхши бўларди. Чунки «мажбурий» деган сўзга амал қилган кўпдан-кўп кишилар яқин ўтмишда ҳақ ёки ноҳақдан жабр тортганлиги ҳали ҳам ёдимизда.

Муҳаммадий ЭШОНҚУЛОВ, Қамаши районидаги «Фарғона» совхози иқтисодчиси.

Бировга зарар етказма

Кейинги вақтларда айрим марказий рўзномаларда Ўзбекистондан рус тилида сўзлашувчи аҳоли сафидан ижтимоий соҳада ишлайдиган ходимлар оммавий равишда кетиб қоляпти, деган мазмундаги мақолалар пайдо бўлди. Биз бунда О. Владимированинг «170000 «ички эмигрантлар» («Союз» 40-сон, 1990 йил октябрь), Т. Пўлатовнинг «Анголани қувиб етамиз ва ўзиб кетамиз!» («Московское новости», 41-сон, 1990 йил, октябрь) ва ниҳоят В. Васильевнинг «Қадрдон остонадан йўлга отланиб. Ўзбекистоннинг рус тилида сўзлашувчи аҳолиси нима учун ўз уйларини ташлаб кетишяпти!» («Труд», 252-сон, 1990 йил, октябрь) мақолаларини назарда тутяпмиз.

Бу мақолаларда келтирилган маълумотлар ниҳоятда ташвишланарлидир. Ҳаммасини бир қилиб олинса, улар кишиларда бу соҳадаги аҳвол ниҳоятда мушкул экан-да, деган таассурот туғдиради. Устига-устак жумҳуриятда аҳвол кундан-кунга кескинлашиб боряпти, деган маънони ҳам билдиради.

Биз бу ерда бутун мамлакатимизнинг бугунги ҳаётидаги таассуфли фактларга доир фикрларни инкор этмоқчи эмасмиз. Айни пайтда ўз билганингдан қолма, деган нақлгами, ножўя маслаҳатларга ёки ёмон сифатли фикрларгами амал қиладиган айрим ноқобил раҳбарларни ҳам мутлақо оқламоқчи эмасмиз. Гап бошқа нарса ҳақида.

Вазият айнан Ўзбекистонда, эҳтимол фақат бизнинг жумҳуриятимизда, шунчалик хатарли эканлиги ҳақидаги таассурот қандай мақсадларни кўзлаб юзага келтирилмоқда. Мамлакатдаги умумий аҳвол, хусусан, бугунги кунда баъзи жумҳуриятларда ССЖИ таркибидан чиқиш ҳақида баралла айтилаётган гаплар Ўзбекистондаги кишилар онгига, кайфиятига таъсир кўрсатмаслиги мумкинми? Нима учун яққол англашиб турган бундай фикрга ишора ҳам йўқ? Нима учун «Труд» рўзномаси муаллифининг Ўзбекистонда «ниҳоят митинг ва намойишлар тўлқини тинди, митингчилар ва уларни четдан туриб кузатувчилар жумҳурият раҳбарларининг янги тартибсизликларга йўл қўймасликларига яққол ишонч ҳосил қилдилар», деган ҳақли фикри қандайдир панада қолиб кетгану, қарама-қарши маънони ифодалайдиган ваҳимали ибораларга ҳўр берилган? Ва ниҳоят, нима учун жумҳурият раҳбарлари кўраётган чора-тадбирлар ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтилмаган?

Биз вазиятни яхши деб кўрсатмоқчи ва ҳозир бизда меъёридан ошишни кўзлаётганлар ёки номақбул иш қилувчилар йўқ, деб таъкидламоқчи эмасмиз. Бироқ номақбул ишларга қарши даво мавжуд ва Ўзбекистонда ақл-идрок овозини баландлатадиганлар бор. Аммо бизда барибир ҳозир митинглар ҳам, намойишлар ҳам, диний ва миллий аломатларга қараб таъқиб қилишлар ҳам йўқ. Ўзбекистонда аллақачон унинг ҳудудида ғуж бўлиб яшовчи барча халқларнинг маданият марказлари ташкил этилган. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳам бошқа минтақаларга таққослаганда нисбатан яхшидир. Эҳтимол, айнан шунинг учун ҳам одамларнинг кайфияти бошқа жойлардаги сингари яхши кетаётгани йўқ. Кишилар бир-бирлари билан самимий муносабатда бўлишмоқда ва ишлари ҳам юришиб кетяпти. Масалан, пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш режаси ҳар қачонгидан қисқа муддатда бажарилди ва оширибгина адо этилди! Аҳолининг кўчиши масаласига келганда, шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида кўчиш ва келиш кўрсаткичлари тахминан 64 ва 40 минг кишини ташкил этади. Бу рақамлар меъёрида ва мутлақо нормалдир. Ҳар ҳолда Ўрта Осиёга зўрлик билан кўчирилган қрим татарлари ва месхети туркларини ўз юртларига қайтиш ҳуқуқига эга эканликларини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Ўзбекистондан немислар ва яҳудийлар кўчиб кетишаётгани масаласига келсак, уларнинг муаммолари Ўзбекистонда пайдо бўлган эмас. Бу муаммоларни Бутуниттифоқ миқёсида ва анча илгари ечмоқ лозим эди.

Биз жумҳуриятларимиз халқларининг жипслиги, мамлакатнинг бирлигини сақлаб қолиш масалалари сабот билан ҳал қилинаётган бир маҳалда ушбу хат билан мурожаат қиляпмиз.

Ишончимиз комилки, бу масалаларни адолатли ҳал қилиш йўллари топилади. Шунингдек, биз амалий, оқилона ечимлар кераклигига, кўрқув муҳитини юзага келтириш эса номақбул эканлигига ҳам аминмиз.

Ўйлаймизки, оммавий ахборот воситалари, айниқса, миллатлараро муносабатлар каби нозик масалаларда фаолроқ роль ўйнамоқлари лозим. Ҳозир марказнинг ташкилотчилик роли ҳар қачонгидан кўра ҳам муҳимдир. Биз эслатиб ўтган мақолаларнинг пайдо бўлиши эса фақат шовинистлар ва миллатчиларгагина кўл келади. Бундай мақолаларнинг пайдо бўлиши нималарга олиб келади — кўчишни камайтиришгами ёки оширишгами? Бунга жавоб аён — кўчишнинг оширишга олиб келади! Айнан шунинг учун ҳам «Бировга зарар етказма!» деган муқаддас даъват барибир бош даъват бўлиб қолмоғи даркор.

Л. Н. ГРЯЗНОВА, Ўзбекистон ССЖ халқ артисти, Е. А. ГУБИНА, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Р. А. КАЦЕНОВИЧ, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган фан арбоби, А. М. РИБНИК, профессор, Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Г. А. ПУГАЧЕНКОВА, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган фан арбоби, А. П. ХЛЕБУШКИНА, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ССЖИ Президентининг маданият арбоблари билан учрашуви

28 ноябрь куни Кремлда ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг мамлакат маданият арбоблари билан учрашувида мамлакат ижтимоий турмушида маданиятнинг ғоят муҳим мавқеи тўғрисида, қайта қуришнинг туб бурилиш даврида ижодкор зиёлиларнинг қайта қуриш тақдирига таъсири ҳақида ошкора, ғоят манфаатдорлик билан фикрлашиб олинди.

Фикрлашувда ССЖИ маданият вазири Н. Н. Губенко, ёзувчи П. Л. Проскурин, меъмор Ю. П. Платонов, драматург А. Е. Абдуллин, ёзувчи В. К. Петкявичюс, опера қўшиқчиси М. Л. Биешу, актёр А. В. Баталов, шоир Е. А. Евтушенко, ёзувчи С. Ю. Куняев, бастакор, Озарбайжон маданият вазири Пўлат Булбул ўғли, ёзувчи Г. Я. Бакланов, кинорежиссёр С. И. Ростоцкий, санъатшунос Я. Х. Аллик, актриса Т. В. Доронина, ёзувчи В. Н. Крупин, ёзувчи О. Ёқубов, ёзувчи Б. И. Олейник, бастакор Э. М. Мирзоян, ҳайкалтарош Е. Т. Мерганов, бастакор Г. В. Свиридов, актёр Ю. В. Никулин, кинорежиссёр Э. А. Рязанов, рассом В. И. Стельмашонок, драматург М. Ф. Шатров, ёзувчи А. Г. Алексин, актриса Э. А. Бистрицкая иштирок этдилар.

М. С. Горбачев йиғилиш аҳли ҳузурида нутқ сўзлади.

Учрашув қатнашчилари «Агар жамият маданиятни ҳимоя қилса, маданият жамиятни сақлаб қолади» декларациясини қабул қилдилар.

Учрашув тўғрисидаги ҳисобот матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

ХОТИН-ҚИЗЛАР ҲАРАКАТИ:

ИНОҚЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

КПСС Марказий Қўмитасида иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Қўмиталарининг хотин-қизлар ҳаракати билан боғлиқ иш учун масъул вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди. КПСС Марказий Қўмитасининг хотин-қизлар ва оила масалалари комиссияси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг мамлакат Олий Кенгаши сессиясида ўртага қўйган дастури ва Иттифоқ шартномаси тузилиши муносабати билан партия қўмиталарининг вазифалари муҳокама қилинди.

Кенгашда Иттифоқсиз мамлакатнинг келажаги йўқлиги, шундай Иттифоқни янги асосда тузиш ва мустаҳкамлаш жумҳуриятларнинг мустақиллигига зид эмаслиги таъкидланди.

Хотин-қизлар, оила аҳволини яхшилаш оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммолари юзасидан манфаатдорлик билан фикрлашиб олинди ва тажриба алмашилди. Кенгаш иштирокчилари фуқаролар иноқлиги ҳаётий зарурат эканлиги тўғрисида, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳақида, уларнинг сиёсатдаги мавқеи тўғрисида гапирдилар.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Қўмитаси Бош котибининг ўринбосари Б. А. Ивашко ва КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Қўмита котиби Г. В. Семёнова иштирок этдилар.



МЕҲНАТИ ҚАДРЛАНАЁТГАНЛАР

— Тўқувчи касбининг ўзига хос гашти бор, — дейди Самарқанддаги тўқув фабрикаси ишчиси Т. Муродова. — Тер тўкиб меҳнат қилганингдан кейин ўз ижодинг маҳсули — сержило маҳсулотларга қараб тўймайсан киши. Эрта-индин ўзинг тўқиган бахмални аёлларимиз эгнида кўриб, яна бир бор баҳри-дилинг очилади. Ҳуллас, меҳнатинг қадрланаётганини кўриб фахрланасан.

Дарҳақиқат Тоҳиранинг гапларида жон бор. У шу эзгу ният билан тўқувчилик касбини эгаллаганига ҳам қарийб 20 йил бўлиб қолди. Ўтган давр мобайнида тўқувчилик сир-асрорларини пухта ўрганди, тажриба орттирди. Ўз навбатида анчагина шогирдлар тайёрлади. Ҳозир у меҳнат қилаётган бригада аъзолари фабрикада илғорлик қилишяпти. Улар ҳар ойда пландаги 8942 метр ўрнига 10 минг метргача бахмал тўқишга муваффақ бўлишмоқда.

СУРАТДА: илғор тўқувчи Т. МУРОДОВА ўз шогирди билан.

А. ХАЛИЛОВ олган сурат.

ХОНАДОНДА БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

● Янгийўл шаҳрида яшовчи шофёр Ғуломқодир Усмоналиевнинг уйида 3-болалар боғчасининг тармоғи сифатида хонадон-боғча очилди.

Уй бекаси Насиба Усмоналиева 7 нафар болани тарбиялашга киришди. Боғчага зарур анжомлар, ўйинчоқлар келтирилди, озиқ-овқат билан таъминланаяпти.

Ҳозир шаҳардаги мавжуд 23 та боғчада 4 мингдан ортиқ бола тарбияланмоқда. Икки минг бола эса навбатда турибди. Ўринлар етишмаяпти. Шаҳар Совети хонадон боғчалари тармоғини кенгайтириш, хусусий уйларни сотиб олиб боғчаларга айлантириш йўли билан бу муаммони қисман бўлсада ҳал қилиш тадбирларини амалга оширмоқда.

• *Советларда қайта қуриш қандай бормоқда?*

ХАЛҚ ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛИБ

Халқ депутатлари Наманган ноҳия кенгаши аъзолари аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, қурилиш, савдо, медицина соҳаларининг раҳбарлари билан биргаликда тез-тез қишлоқ ва маҳаллаларга боришмоқда. Узоқ йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни ўрганиб, ҳар бир соҳага мутасадди раҳбарлар билан ўша ернинг ўзида унн ҳал этиш чора-тадбирларини кўришяпти. Депутатлар бошчилигида ноҳиядаги турли соҳа раҳбарлари бешта хўжалик ўрамидаги қишлоқ ва маҳаллаларда бўлдилар. Аксарият жойларда ички имкониятлардан фойдаланиб, мавжуд, муаммоларни ҳал этишга киришилди.

— Шу атрофдаги Қайқовус, Элитан, Шўрқўрғон ва Шамсиқўл қишлоқларини ичимлик сув билан таъминлаш муаммоси узоқ йиллардан буён ҳал этилмай келинарди, — дейди бригада бошлиғи Ш. Донаев. — Бу ҳақда турли йиғилишларда гапирилар, аммо натижа бўлмасди. Мана бир неча кун олдин қишлоғимизга депутатлар группаси билан биргаликда ноҳия раҳбарлари келиб дардимизни тинглашди. Биз яна аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш масаласини ўртага ташладик. Ўша куни эртасигаёқ, қишлоқнинг юқори қисмига техника келтирилиб, икки жойдан артезиан қудуқлари ковлашга киришилди.

Оддий меҳнаткашларнинг мана шундай дил сўзларини биз бошқа маҳалла ва қишлоқларда ҳам эшитдик. Ҳақиқатан ҳам Охунбобоев номли жамоа хўжалигида кенг кўламда ишлар амалга оширилмоқда. Қисқа вақт ичида хўжалик марказидаги касалхона зарур жиҳозлар билан таъминланди. Хўжалик маъмурияти билан келишилган ҳолда «Тез ёрдам» машинаси учун муаммо бўлиб келаётган бензин масаласи ҳал бўлди. Шамсиқўл ва Қайқовус қишлоқларида 360 ўринли мактаб ва 140 ўринли болалар боғчаси қурилиши бошлаб юборилди. Шунингдек, бошқа қишлоқларда чойхона, нонвойхона, телефон станциялари қурилишлари давом этмоқда.

Жамоа хўжалиги аъзолари ва шу ерда ишлаб, қарилик пенсиясига чиққан кексаларга моддий ёрдам бериш йўлга қўйилди. Масалан, колхозчиларга уйжой қуриш ва шахсий хўжалигини ривожлантириш учун 3000 сўмгача фоизсиз ёрдам пули берилмоқда. Хўжаликда ишлаб пенсияга чиққан 546 киши ҳамда кўп болали ва Қаҳрамон оналарга 30 сўмдан, давлат орденлари ва медаллари билан мукофотланганларга эса 40—50 сўмдан қўшимча пул бериляпти.

— Илгарилари хўжаликларнинг иқтисодий мавқеи аҳолининг турмуш даражаси билан эмас, балки хўжалик ҳисобида қанча пули борлиги билан ўлчанарди,— дейди хўжалик раиси О. Сотволдиев. — Эндиликда бунга барҳам берилди. Яъни одамлар тақдирига муносаба ўзгарди. Биз кейинги пайтларда қишлоқлардаги социал муаммоларни ҳал этишга эътибор беряпмиз. Жиддий ўйлаб қарасак, ҳақиқатан ҳам фойдаланилмаётган имкониятларимиз кўп экан. Уларни ҳаракатга келтиришда бизга халқ депутатлари ноҳия кенгаши яқиндан ёрдам берди.

Ноҳия кенгаши ташаббуси билан бошқа хўжалик, ташкилот ва корхоналарда ҳам мавжуд имкониятлар ҳаракатга келтирилмоқда. Энг муҳими, узоқ йиллар меҳнат қилиб арзимаган маош билан қарилик пенсиясига чиққан, эътиборсиз қолган одамларга муносабат тубдан ўзгарди. Ана шундай кишилар ҳолидан хабар олинмоқда. Уларнинг уй-жойлари ремонт қилинаётир.

Биз халқ депутатлари кенгаши раиси, ноҳия партия комитетининг биринчи котиби Ж. Сиддиқов, Энгельс номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси А. Иномова қурилиш ҳамда Меҳр-шафқат жамғармаси раҳбарлари билан биргаликда қаровсиз қолган оилаларнинг бирида бўлдик. Қора тепа қишлоғидаги ҳовли деворлари нураб кетган, бир хонали уйда 104 ва 96 ёшли опа-сингил Мастонбуви ва Нишонбуви Назаровалар яшашаркан. Уларнинг турмуш ўртоқлари ва икки фарзанди урушда ҳалок бўлишган. Шундан буён қаровчиси йўқ опа-сингил бир-бирига суянчиқ бўлиб яшашади. Кейинги йилларда ўзларининг кир-чирларини ювиб олишлари у ёқда турсин, ҳатто овқатларини ҳам пиширib ейишга қурбилари етмай қолгани шундоққина кўриниб турибди. Ҳайриятки меҳр-оқибатли қўни-қўшнилари бор, тирикчилик бир нави ўтиб турибди. Шу куни бу опа-сингилларга ёрдам бериш чора-тадбирлари кўрилди. Район Меҳр-шафқат жамғармаси бўлими бу онахонларнинг ҳолидан хабар олиб, овқатини пиширib бериб туришга рози бўлган ён қўшнилардан бирига ойига 50 сўмдан маош тўлашга, район қурилиш ташкилоти ёзга чиқиб олди айвонли шинамгина уй қуриб беришга, жамоа хўжалиги бошқаруви эса қурилиш харажатларини ўз зиммасига олишга қарор қилди.

Шу кун Энгельс номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи бошқа кишилар — партия, меҳнат ветеранлари, байналмилал жангчилар, Улуғ Ватан уруши ногиронлари, қаровсиз қолган кексалар ва кўп болали оилаларга ҳам мана шундай меҳр-оқибат кўрсатилди. Қишлоқларда чойхона, нонвойхона қуриш ва шу каби бошқа ободонлаштириш ишларини амалга ошириш чоралари белгилаб олинди.

— Биз ўз фаолиятимизни одамлар ўртасида сусайиб бораётган меҳр-оқибатни тиклашдан, уларнинг дардига малҳам бўлишдан бошладик, — дейди Ж. Сиддиқов. — Маълумки, ноҳиямиздаги барча хўжаликлар иқтисодий жиҳатдан бақувват. Лекин шу пайтгача бу маблағлардан қишлоқлар ободончилиги ва халқ фаровонлиги учун деярли сарфланмай келинарди. Биз бунга чек қўйдик. Эндиликда хўжалик ва ташкилотлар раҳбарлари фаолиятига ҳисобида қанча пули бўлишига эмас, балки ишчи, меҳнатчиларининг турмуш даражасига қараб баҳо беряпмиз. Ҳозирги тадбирларимиз ҳам бу борадаги амалий қадамларимиздир. Биз ноҳия халқ депутатлари Кенгаши мажлисида ҳар кварталда бир марта мана шундай тадбир ўтказиб, ноҳия мутасадди раҳбарлари билан қишлоқ ва маҳаллаларда бўлишга қарор қилдик. Бир хўжалик территориясидаги қишлоқ ва маҳаллаларда иккинчи маротаба бўлганимизда илгари белгиланган чора-тадбирлар қандай амалга ошгани ва яна қандай янги муаммолар пайдо бўлгани билан қизиқамиз. Хуллас, бундан буён одамлар дарди, ташвиши билан яшашни биринчи галдаги вазифа қилиб оламиз.

Ҳақиқатан ҳам Наманган ноҳия халқ депутатлари Кенгаши янги қуч-ғайрат билан иш бошлади. Унинг хайрли одимларидан меҳнаткашлар мамнун бўлишяпти.

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИҚТИСОДИЁТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ЯПОН УСКУНАЛАРИ ЎРНИГА

● Япониянинг «Гунза» фирмасида ишлаб чиқарилган ва Урганч пиллакашлик фабрикасида фойдаланилаётган пилла тортиш ускуналари ўз муддатини ўтаб бўлди.

Эскириб қолган бу машина-ускуналарни олиб ташлаш билан бир вақтда ишлаб чиқаришни тўхтатмасдан Ватанимизда тайёрланган замонавий техника ўрнатила бошланди.

Янги ускуналарда тўқимачилик хом ашёси тайёрлашнинг технология жараёни Япония машиналаридагидан фарқ қилмайди. Лекин бизнинг техника унумдорлиги ва ундан фойдаланиш осонлиги билан ажралиб туради.

Пилла тортиш ва ўраш цехлари тўла қайта жиҳозланганидан кейин ҳар бир ишчи, ҳар бир бригаданинг маҳсулот ишлаб чиқариш нормаси қайта кўриб чиқилади. Янги агрегатларнинг имкониятларини ҳисобга олиб, тармоқ нормаларини бирмунча ошириш мўлжалланмоқда. Бунинг натижасида кўрилаётган иқтисодий фойда ошади, бу ерда меҳнат қилаётганларнинг иш ҳақи ҳам кўпаяди.

«ЁПИҚ БОЗОР»НИНГ ЯНГИ ҚИЁФАСИ

● «Узсталконструкция» трести бўлинмаларининг «Атлас» ва «Коммуналчи» кооперативлари билан ҳамкорлиги яхши натижа берди.

Самарқанддаги «Ёпиқ бозор» деб аталадиган энг машҳур бозорлардан бири таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди.

Қурувчилар билан кооператорлар бозорнинг асосий биносини реконструкция қилдилар. У кенгроқ ва кўркамроқ бўлиб қолди, бинони пардозлашда мармар ва ганчдан кенг фойдаланилди. Сотувчилар учун қулайлик яратилди, яъни янги пештахталар ўрнатилди. Лекин энг муҳими: «Ёпиқ бозор»да умумий майдони 900 квадрат метрдан зиёд бўлган сабзавот омборлари пайдо бўлди. Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ сабзавот ва мевалар сақланмоқда.

ЎЗИМИЗГА КЕРАКСИЗ МОЛЛАРНИ СОТАМИЗ

● «Сурхандарьяглавснаб» тижорат маркази Термизда ташкил этган зоналараро улгуржи саноат ёйма бозорида 260 минг сўмлик шартномалар тузилди.

Учрашувдан мақсад — давлат буюртмасидан ташқари ишлаб чиқарилган ва фойдаланилмай ётган материаллар, ускуналар, эҳтиёт қисмлар, тайёр маҳсулотларни сотишдир. Шу ернинг ўзида саноат чиқиндиларини, кооперативлар ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар тайёрлаган маҳсулотларни сотиб олиш юзасидан ҳам шартномалар тузилди.

Ёйма бозорда сурхондарёликлардан ташқари, Тошкент, Андижон, Челябинск вакиллари иштирок этдилар. Битимларнинг бир қисми бевосита мол айирбошлаш асосида тузилди.

— Бундай ёйма бозорлар бизда анъанага айланиб боряпти ва тобора кўпроқ оммалашяпти, — дейди тижорат марказининг бош инженери П. Исмоилов. — Тадбиркор одамларнинг шу йил апрель ойида бўлиб ўтган аввалги учрашувига нисбатан ҳозир тузилган шартномалар ҳажми деярли уч баравар ошди.

ЎзТАГ мухбирлари.

ЭРТАНГИ КУН ТАШВИШИ

Нукус районидаги «Коммунизм» богдорчилик давлат хўжалиги боғбонлари бу йил зиммага олинган режани ортиғи билан уддаладилар. Режадагн 2720 тонна ўрнига жами 3600 тонна маҳсулот тайёрландн. Шундан 1400 тоннаси РСФСРга, Кемерово, Чита, Москва каби шаҳарларга юборилди.

Бу диёрда бўлмаган киши Орол фожиаси таъсирида инграётган, гиёҳ унмас заминда мевали дарахт экиб, ҳосил олиш қанчалик машаққатли эканлигини тасаввур этиши мушкул. Шундай оғир шароитда ҳам табиат инжиқликларини писанд қилмай, мўл ҳосил етиштирган боғбонларга қойил қолмай бўладими? Боғидаги олмаю ўриги, ноку узумлари пишиб етилгунига қадар тиниб билмай тер тўккан бободеҳқонининг матонатини қаҳрамонликка тенглаш муболаға бўлмас.

От босмаган ерларни той босар, деганларидек, дўстона муносабатлар асосида бунёдга келган боғга биринчи кўчат экилганида Сатбай Қалжонов (шу давлат хўжалиги директори) уч ёшли гўдак эди. Ўшанда йиллар ўтиб машҳур соҳибкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ризамат ота Мусамуҳамедов асос солган «Коммунизм» совхозига раҳбарлик қилишини ким билибди дейсиз. Ўша кезлари ота йилига уч-тўрт марта келар, қимматли маслаҳатларн билан ўртоқлашарди. Бу ҳақда Сатбай Қорақалпоғистон Мухтор Жумҳуриятида хизмат кўрсатган агроном, арман йигити Александр Гулянц каби кишилардан жуда кўп эшитган. Икки халқ, яъни ўзбек ва қорақалпоқларнинг бир-бирига бўлган меҳр оқибати, дўстлиги ана шу боғнинг гуллаб-яшнаши учун муҳим омил бўлган. Бу азалий одат биродарларча муносабат нафақат икки халқни, балки турли миллат вакилларини ҳозиргача бир-бирига ҳурмат ва эҳтиром билан қарашга ундайди. Зеро, оталар боғлаган дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш, бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилиш боғбонларнинг ҳаётида, бугунги меҳнат зафарларида яққол кўринади.

Бундан йигирма олти йил муқаддам ташкил этилган 250 гектарлик боғ бугунга келиб 1500 гектардан ошди. Кўчат экишда ер шароити ҳисобга олинди. Бунда мутахассисларнинг қимматли маслаҳатлари жуда асқотди. Айниқса, Р. Р. Шредер номли боғдорчилик ва узумчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Маҳмуд Мирзаевнинг бу ерга ҳар гал келиши боғбонларни қувонтиради. Чунки у дарахтларни кесиш, уларга шакл бериш тўғрисида фойдали маслаҳатлар беради. Зараркунандаларга қарши кураш йўлларини ўргатади.

— Бу йил зиммага олинган план ва мажбуриятларни бажариб юзимиз ёруғ бўлди, — дейди бош агроном Бозорбой Алламуродов. — Эндиликда келаси йил ҳосили учун пухта тайёргарлик кўряпмиз. — Шу ўринда ҳал қилиниши керак бўлган бир қатор муаммоларимиз ҳақида гапириб ўтмоқчи эдим. Хўжалигимизда олма қуритиш ва яшик тайёрлаш цехлари мавжуд. Бу ерда 150 минг дона яшик тайёрлаш мумкин. Бироқ хом ашёнинг етишмаслиги юқори унум билан ишлашга тўсиқ бўлмоқда. Бошқа жойлардан идиш топишнинг иложи бўлмаяпти. Оқибатда 1,5 минг тонна маҳсулот кетадиган совутгичда атиги 600 тонна маҳсулот сақлашга мажбурмиз. Бундан ташқари А--110 компрессори, аммиакли насос ва вентилятор етишмайди.

Бундан икки йил илгари давлат хўжалигининг ўзида 10 гектар ерда кўчат питомниги ташкил этилди. Питомникда йилига 80 минг туп зиёд кўчат тайёрланади. Бу кўчатлар фақат эскирган боғларни таъмирлаш учунгина эмас, балки қўшни хўжаликларга сотиш учун ҳам етиштирилади. Бу яхшигина даромад келтиряпти. Ўтган 1989 йилда 20 минг туп, бу йил эса 30 минг туп мевали дарахт кўчатлари қўшни хўжаликларга келишилган нархда сотилди.

Тадбиркор деҳқон фақат бугунги кун ташвишини эмас, келажакни ҳам ўйлайди. Шу боис питомникни 15 гектарга кенгайтиришга аҳд қилингани бежиз эмас.

Хўш, «Коммунизм» давлат хўжалигини кенгайтириш мумкинми?

— Мумкин. Лекин бу анча нозик масала, — дейди С. Қалжонов. — Чорвачилик фермамизда 350 бош қорамол бор. Қиш ойларида ҳар йили озуқа масаласида қийналамиз. Масалан, бир тонна беда пичанини 58 сўмга харид қиламиз. Қишлов учун эса 300 тоннадан зиёд озуқа керак. Демак, шунча озуқани сотиб олишга мажбурмиз. Чунки озуқабоп экинлар учун ажратилган майдон 250 гектардангина иборат. Агар чорвадан воз кечсагу унинг ўрнига мевали дарахт эксак, келажакда яхшигина боғ юзага келарди.

Ҳозир шаҳар аҳолисини мева билан таъминлаш масаласи қийин эканлиги сир эмас. Чунки қиш фаслида аҳоли эҳтиёжини қондириш учун зарур бўлган маҳсулот четдан келтирилади. Шартномага асосан Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети 470 тонна мева етказиб бериши керак. Масалага шу жиҳатдан ёндашиладиган бўлса юқорида айтилган таклифни ижобий ҳал қилиш керак. Бу ҳақда мутасадди ташкилотлар ўйлаб кўришади, деб ўйлаймиз.

М. ХУДОИБЕРДИЕВА.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ОМИЛКОРЛИК САМАРАЛАРИ

● Т. Содиқов номли Тошкент шаҳар маданият уйининг жамоаси ижодий ва ижтимоий жамғарма тузишга қарор қилди.

Ҳозирнинг ўзида жамғарма ҳисобида 120 минг сўмдан кўп пул бор. Бу пулларни маданият уйи концертлар ўтказиб, театрлашган томошалар, аҳолига пулли хизмат кўрсатиб, ишлаб топган. Маданият муассасаси хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтганидан сўнг жамғармани ташкил этиш имконияти туғилди.

Жамғарма маблағлари маданият уйи ходимларини даволашга, уларнинг дам олишини уюштиришга, ижодий хизмат сафарларига, биноларни тўлатўкис таъмирлашга, муваффақиятли ишлаганлиги учун мукофотлар беришга сарфланмоқда. Янги йилда эса маданият уйи йигирма беш йиллик тарихида биринчи марта ўзининг барча ходимларига бир ойлик маош миқдорида мукофот тўлаш ниятидадир.

(ЎзТАГ).



Райондаги «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалиги ижарачи ғаллакорлари дон тайёрлаш йиллик режасини ошириб бажаришди. Мўлжалдаги 2959 тонналик хирмон 4898 тонна бўлиб уюлди. Давлатга 1050 тонна ортиқ сара дон сотиб, 500 минг сўм даромад қилишса-да, кўнгиллари хижил. Негаки, бултур 178 тоннадан зиёд ҳосил топширганн учун 550 минг сўм фойда олишганди-да.

• *Қишлоқ муаммолари*

БЎЙИДАН ОЛИБ, ЭНИГА УРИШМИ?

ЕХУД ҚЎШРАБОТЛИК ҒАЛЛАКОР ҚАНДАЙ АЛДАНГАНЛИГИ ХУСУСИДА

Хўш, ўтган йилга нисбатан нега бундай бўлди?

Сабаб излашдан аввал, бу заҳматкашлар меҳнатига бир йўсин чизги бериб ўтсак.

Эрта баҳордан кўкка кўз тикиш, жазирамада дала кезиш, хирмонда ётиб қолишу, қаҳратонда қўрада юришгача уларга ота мерос. Кўрки кўкламдан бошланувчи бу юрт аҳли учун ушбу дамда тушган ҳар томчи тириклик, тирикчилик рамзи — тўкин дастурхон, баракали ошқатиқ, ушалувчи ният, энг муҳими, ризқ-рўз пойдевори ҳисобланади. Шу боис улар меҳнатдан сира қочишмайди. Элдошлар эса яхши-ёмонидан, иссиқ-совуғи-ю, ҳатто сир-у ошкоригача хабардор...

«— Очилбой звеносида 20 центнердан тушибди, лалми ердан шунча ғалла олибди. Ҳалоли бўлсин-е!

— Дўстмурод ака планини 280 дан оширганмиш,— деб эшитдим.

— Буларгаям мошин-пошин берармикан, чўпонлар план бажарганда мукофотга, деб беради-ку?!»

— Тўғриси, шу ёшга кириб, арпа-буғдой орқасидан мошин минган одамни кўрмаганман...»

Очиғи, ушбу гап-сўзларни бекатда эшитдим.

Бу инсонларнинг элдошлари зафаридан завқланиш билан бирга, меҳнати тақдирига ҳам бефарқ бўлмаётганидан қувондим. Айниқса, савол берган кишининг гапидан ҳамкишлоғига машина бериш-бермаслигидан кўра, меҳнатига яраша қадр топмай қолишига ачиниш ҳиссини туйдим.

Дарҳақиқат, «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалиги ижарачи ғаллакор-механизаторлари Очил Толлибоев ва Дўстмурод Нурмуродовларнинг жорий йилда ҳосилдорлиги баҳоракор ер шароити учун 6-7 центнер белгиланган ердан 20 центнердан ошириб ҳосил олишгани рост. Бундай звенолар хўжаликда йигирма иккита. Ўтган йили улар анча тарқоқ ва уюшмаган эди. Камчиликлик киритилди. «Барча юмушларни бошдан охиригача ўзи бажариш, ерга ҳам, маҳсулотга ҳам ўзи эгалик қилиш» ижарачилар измига тушганди ўшанда.

Меҳнат жараёнида бу сўзлар амалий ифода топди. Яъни барча ижарачилар режасини уддалашди. Хўжалик билан тузилган шартномага қатъий риоя қилинди. Ижарачиларга ҳосилнинг режадан ортиқча ишлаб чиқарилган қисми учун нархга қўшимча 50 фоиз устама ҳақ тўланди. Ортиқча маҳсулотнинг 25 фоизи мукофот тарзида ижарачи ихтиёрида қолди. Моддий манфаатдорлик ўз самарасини кўрсатди. Асосийси, ўзаро ишонч тиклана борди.

Техника ихтиёрига ўтгач, ижарачи ҳам бир қанча даҳмазадан қутилди. Президент Фармонига кўра, аҳоли шахсий чорвасига хашак сотиш, жамғарма пунктларидан эмас, балки даланинг ўзидан жўнатилди. Дала ишларининг барчасини ижарачининг ўзи назорат қилгач, аввалгидек милицияга ҳам зарурат сезилмади. Сомонни тойлаш, тележкага ортишга кўмаклашган ҳашарчилар ҳам қуруқ қайтишганн йўқ. Мавсумда ҳашарчиларнинг асосий қисмини ўқитувчилар жудга келган англашилмовчиликлар охир-оқибат, қайтиб ижарачига бориб тақалиши тайин. Шундай экан, юқоридаги саволга жавоб ахтарсак ўринли бўлар...

Икки йил давомида хўжаликда содир бўлган бир йўсин меҳнат ва тескари даромад сабабини хўжалик бош иқтисодчиси Абдусамад Пардаев қуйидагича изоҳлайди:

— Шу пайтгача аввалги қарорга биноан беш йилликда бажарилган планнинг ўртача ҳосилдорлигига нисбатан ошириб бажарилган ҳар килограмм дон учун устама нарх олардик. Ижарага ўтганимиз туфайли бултурги ҳосил мўл бўлди. Режа юқорида айтилган талабдан анча ошди. Яъни, планни 108 фоизга етказганимиз боис, соф даромадимиз 550 минг сўмни ташкил қилганди.

Бу йил эса дон маҳсулотлари харид нархлари аниқ белгилангач, район ғалла тайёрлаш идорасига чақириб, «Мана ғалла нархи ошди. Биринчи нав 50 тийин. Иккинчисига 40 тийиндан тўланади. Мабодо, учинчига топширсаларинг ҳам 30 тийиндан оласизлар. Фақат энди устама нарх тўланмайди» деб айтишганди. Биз яқинда давлатга дон сотиш планини икки ҳисса қилиб топширдик. Лекин жавоб келдики, донимиз сифати паст экан. Учинчи навга ҳам ярамабди...

Россиядаги буғдойлар дони 1- ва 2-сортга ўтаётганмиш... Хуллас, ҳам устама нархдан айрилиб, ҳам уруғимиз нави сифатсизлигидан даромадимиз олдингн йилдагидан 50 минг сўм кам бўлди.

Бир қарашда жуда ғалати, аммо инкор қилиб бўлмас сабаб кўрсатилган.

Ғалатилиги шундаки, наҳотки хирмон кўтарилгунча уруғ, нав масаласи ҳеч кимни қизиқтирмаган бўлса? Ғаллакор эса топганини эккан. Тутганидан туман қилган. Хўш, унда кимни айблаймиз?

Мутасаддиларними? Йўқ. Шу сафар уларга юзланмадик. Чунки, уларга айбни тўнкаш қанчалик осон бўлса, бирор ёруғлик кутиш ҳам шу қадар мушкул. Айниқса, асл фармойиш юқоридан бўлгач тепага ишора қилар, деган хаёлга бордик...

Иқтисодчининг фикрича, ер сифатли уруғ нави етилишига мослашмаган. Юқори сифатли уруғ навини ўстириш учун мутахассисларни жалб қилиш лозим. Тажрибада синаб кўрилгачина, қўлланиш керак. Албатта, бу таклифлар келажак учун. Лекин, бу йилги қилинган меҳнат қадри-чи. Унинг ҳақиқий баҳоси қаерда? Кимдан олса ёки ундирса бўлади?

Демак, «Бўйдан олиб, энига уриш» усули яна бир бор иш кўрсатди. Нарх ошганини эшитганда шодланганидан ширин орзулар режасини тузиб, бир нави даромад илинжида ҳар қандай азоб-уқубатни ортга суриб, бола-бақрағигача далага (ҳеч бўлмаса қоровулликка) қувган заҳматкаш инсон алданди. Кимга ёрилишни билмайди. Ҳосил мўл-у, ҳақ камлигидан ҳафсаласи пир. Қисқаси, октябрлик ғаллакорлар каби ғалласини ҳеч бўлмаса учинчи сортга топширолмаётган барча миришкорларга кўп нарса керакмас. Фақат бир нарса, қанча пешона тери тўкилган бўлса, шунча ҳақ керак. Зеро, улар меҳнатига куйинса-да, қадрига ачинмасин! Кўклам томчисидан қувонган чароғон кўзларидан, кузнинг аччиқ томчиси томчиламасин!

Ш. РЎЗИЕВ,
Самарқанд вилояти.

• *Ҳарбий қисмлар ҳаётидан*

АСКАРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. Каримовнинг «Жумҳурият ёшларини армияга чақиришни ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармонида Ўзбекистондан чақирилган йигитлар хизмат қилаётган ҳарбий қисмларга оталиқ қилиш ишларини кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланган, шунингдек жамоатчилик, уруш ва меҳнат ветеранлари вакилларининг ҳарбий бўлинмаларга мунтазам бориб туришини ташкил этиш кўрсатиб ўтилган.

Яқинда Ўзбекистон делегацияси Кавказорти ҳарбий округи қисмларида бўлиб қайтди.

ЎзТАГ мухбири делегация бошлиғи, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати И. Ғ. Бурхонов билан суҳбатлашди.

— Бизнинг ҳарбий қисмга сафаримизнинг асосий мақсади ҳамюртларимизнинг ҳолидан хабар олиш, ҳозирги вақтда армияда содир бўлаётган баъзи бир кўнгилсиз воқеаларнинг такрорланишига йўл қўймасликдан иборат эди, — деди Икромжон Ғуломович. — Биз тўрт кун мобайнида Тбилиси шаҳри ва округнинг бошқа ҳарбий қисмларида бўлдик. Ўзбекистонлик йигитлар, уларнинг командирлари ва сиёсий бўлимларнинг бошлиқлари билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказдик.

— Ҳамюртларимизнинг турмуш шароитлари қандай?

— Уларнинг турмуш шароити ёмон эмас. Бизлар бир неча кун аскарлар казармасида яшадик. Хоналар саромжон-сариштa. Йигитларимизга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишлари ҳам дуруст йўлга қўйилган.

Биз ҳарбий қисмга ўзимиз билан жумҳуриятимизда чоп этилган бир қанча нашрларни, жумладан «Совет Ўзбекистони», «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномалари ҳамда «Гулистон», «Саодат» ойномаларининг янги сонларини, шунингдек «Темир хотин» видеофильмини олиб бордик. Йигитлар ушбу нашрлар билан қизиқиб танишдилар. Кейин эса видеофильмни томоша қилдилар.

Биз аскарлар ошхонасида ҳам бўлдик. У ерда йигитлар учун тайёрланаётган овқатларнинг хили, уларнинг сифатини кўздан кечирдик, татиб кўрдик. Шуни айтиш керакки, таомлар сифати яхши.

— Сиз билан бирга борган ота-оналар вакиллари ҳам бунга ишонч ҳосил қилишган бўлса керак?

— Ҳа, бизнинг делегация таркибида Андижон вилоятининг Марҳамат ноҳиясидан Аҳволи Мансуров ҳам бор эдилар.

Қисмларнинг бирида Андижон вилоятидан йигитлар ҳам хизмат муддатини ўтаётган эканлар. Оддий аскарлардан Мадор Собиров, Насибжон Олимов, Расул Отажонов, Навруз Мансуров ва бошқалар шулар жумласидандир. Ёшларнинг кўпчилиги шу йилнинг май ойида армияга чақирилган.

Аҳволи ака ўз ҳамқишлоқларига улар ота-оналарининг саломини топширди. Сўнгра эса, армиянинг ўзига хос қийинчиликлари, бу қийинчиликларга бардош бериш, чидамли бўлиш, Ватанимизнинг турли минтақаларидан келган ёшлар билан дўстлашиб, ҳарбий бурчни намунали адо этиш юзасидан маслаҳатлар берди.

Ўзбекистонликлар билан учрашувларда улар хизмат қилаётган қисмда баъзи муаммолар мавжудлиги, ҳарбий интизомга хос бўлмаган айрим муносабатлар, «оқсоқолчилик» кўриниш-лари борлиги ҳам маълум бўлди.

Биз қисм командирлари ва сиёсий бўлимларнинг бошлиқларидан ана шу муаммо ҳамда камчиликларни тезда тугатиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилишини талаб қилдик. Зарур ҳолларда юртдошларимизнинг хизмат қилиш жойини ўзгартиришларига ҳам кўмаклашдик. Айрим ёшлар Кавказнинг иқлим шароити туфайли саломатлиги ёмонлашганлигини айтишди. Уларни қайта тиббий кўрикдан ўтказиш ҳақида тегишли кўрсатмалар берилди.

Суҳбатлар чоғида қурилиш қисмида хизмат қилаётган айрим йигитлар ўз иш жойларидаги шароитнинг ёмонлиги ҳамда меҳнатларига яраша ҳақ ололмаётганликларини билдирдилар. Уларнинг бу шикоятлари тўғрисида ҳарбий қисм командирлари ва сиёсий бўлимларнинг бошлиқлари ҳабардор қилинди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, биз ҳарбий қисмда бўлган пайтимизда командирлар Ўзбекистондан армияга чақирилган ёшлар ҳақида, уларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндашаётганликлари, меҳнатсеварликлари, интизомлиликлари ҳамда тарбия кўрганликлари тўғрисида ўзларининг яхши фикрларини билдирдилар.

Т. БОТИРБЕКОВ.


ШВЕЦИЯДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

● Ўзбекистон мультипликаторларининг «Ришта» деб аталган лентаси Швецияда ўтказилган халқаро фестиваль ҳакамининг юқори баҳосини олди ва томошабинлар орасида муваффақият қозонди.

Фильм муаллифлари С. Муродхўжаева билан С. Алибеков ўз янги асарларида инсон хотираси, авлодлар давомийлиги ва ўзаро алоқаларнинг шоирона қиёфасини яратдилар. «Ришта» — бу эзгулик ва муҳаббат, инсоний ўзаро муносабатларни тушуниш ва қадрлаш тўғрисидаги ҳикоядир.

С. Муродхўжаева касб-кори актёрлик бўлиб, 20 та фильмда суратга тушган. Эртаклар асосида яратилган мультфильм қаҳрамонлари номидан ўзбек тилида сўзлаган бу санъаткор мультипликация соҳасида секин-аста иш бошлади. Аввал режиссёр ёрдамчиси бўлиб ишлади, кейинчалик ўзи ҳам фильмларни суратга ола бошлади. «Ришта» С. Муродхўжаева яратган саккизинчи мультфильмдир.

(ЎзТАГ).



«ЮЛДУЗ»ЛАР ГУРУНГИ

Ўзбекистон ССЖ Академик Катта театри саҳнасида очилган «Па-де-де» Бутуниттифоқ фестивалига энг машҳур саҳна «юлдуз»лари тўпланди. Кўрик П. И. Чайковский туғилган куннинг 150 йиллигига бағишланган. Шунинг учун ҳам бу фестиваль «Оққуш кўли» спектакли билан бошланди.

Томошанинг ўзига хос томони шунда бўлдики, унинг ҳар бир кўринишида мамлакатимиз турли шаҳарларидан келган артистлар бир-бирлари билан ўрин алмашиб турдилар. Улар спектаклни чинакам рақс байрамига айлантириб юборишди.

— Кўпгина қийинчиликларга қарамай, биз фестиваль ўтказиш ғоясини амалга оширишга муваффақ бўлдик, — деди унинг очилиш маросимида ташкилот қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг раҳбари Бернора Қориева.

Фестиваль беш кун давом этади. Бу кунларда Навоий номли театр саҳнасида буюк рус бастакори мусиқаси асосида қўйилган спектакллар намойиш этилади. «Оққуш кўли»да ҳам, «Уйқудаги малика» балетида ҳам мамлакатимизнинг турли театри артистлари чиқишади. «Ромео ва Жульетта»ни Якутия мусиқавий театри артистлари ижро этишади. «Гамлет»ни эса томошабинлар Ленинград консерваторияси мусиқавий театри санъаткорлари ижросида томоша қилишади. «Франческа ди Римини» асарини Тошкент балет труппаси намойиш этади. Фестиваль иккита гала-концерт билан тугалланади.

Фестиваль доирасида классик балет муаммолари юзасидан суҳбат ўтказиш режалаштирилган. Бу суҳбатда Франция, ГФЖ, Югославия, Таиланд ва Совет Иттифоқи хореографлари ҳамда танқидчилари иштирок этишади. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ. «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида автомат дастгоҳлар билан ускуналанган лазер қурилмаси комплекси ишга туширишга тайёрланди. У тракторнинг бошқарув қурилмалари таянч-бурилиш ускуналарини иссиқлик усули билан қайта ишлашга мўлжалланган.

СУРАТДА: Ўзбекистон ССЖ Фанлар Академияси конструкторлик бюросининг Иссиқлик физикаси тажриба ишлаб чиқариш сектори мудири О. Чистяков лазер қурилмасини мослamoқда.

Л. КАЛЕНСКИЙ сурати (ЎзТАГ).

Махсум Ҳусанович ҒОЗИЕВ

Автомобиль транспорти соҳасининг йирик мутахассиси, жумҳурият аҳамиятига молик шахсий пенсионер, 1965 йилдан КПСС аъзоси Махсум Ҳусанович Ғозиев узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 57 ёшида вафот этди.

М. Ҳ. Ғозиев 1934 йилда Тошкентда туғилди. Меҳнат фаолиятини 1953 йилда ҳайдовчиликдан бошлади. Тошкент политехника илмгоҳини тугатганидан сўнг жумҳурият Автомобиль транспорти вазирлиги корхоналарида, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг ядро физикаси илмгоҳида ишлади. У 1971 йилда Ўзбекистон ССЖ автомобиль транспорти вазирининг ўринбосари этиб тайинланади, шу ерда 1987 йилда касаллиги сабабли пенсияга чиққунича ишлади.

Катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, автотранспорт корхоналари ишини яхши билган М. Ҳ. Ғозиев жумҳуриятимизда йўловчилар ташиш тармоғини вужудга келтиришга ва уни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди, тармоқда туб аҳоли вакилларидан малакали раҳбарларнинг катта авлодини тайёрлади ва уларни тарбиялади.

Ўз атрофидаги кишилар билан ўзаро муносабатда камтарин ва эътиборли бўлган М. Ҳ. Ғозиев жумҳурият автотранспортчилари ўртасида катта ҳурмат ва обрў қозонган, ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган эди.

У пенсияга чиққанидан кейин ҳам вазирлик корхоналарининг жамоат турмушида қатнашишни давом эттирди, ёшлар билан ўзининг бой тажрибасини сахийлик билан ўртоқлашди.

Ажойиб меҳнаткаш ва коммунистнинг ёркин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Р. А. Попов, П. К. Нўъмонов, О. А. Азимбеков, Л. Ахметов, С. П. Васильченко, М. М. Алиев, Л. Исаев, Қ. Сидиқназаров, В. П. Соколов, С. М. Юсупов, Д. Д. Шомуродов, А. Ф. Собиров.

• *Ёшлар ижодидан*

ОТАСИНИНГ ҚИЗИ

ҲИКОЯ

Сersoя чорбоғнинг бир четида, ўтган йили йиқитилган дарахт танасида ўтирган уста тиш орасида шивирлади:

— Ўқиш... Ўқиш! Ҳаммасига ўқиш сабабчи!

Уз овозидан ўзи чўчиб атрофга аланглади. Нимяшил либос кийган боғда ундан бошқа ҳеч ким йўқ эди. На юпатувчи, на танбеҳ бергувчи бирон кимса... Бўлмаганиям маъқул!

Устара билан қирдирилган теп-текис бошидан каллапўшини олди, негадир боши ёниб борарди. Сўнг қўлларини икки чаккасига тираб хаёлга чўмди.

Уста қизини жуда яхши кўрарди. Ота бўлиб унга бирор марта танбеҳ берганини эслай олмайди. Ахир, чизган чизиғидан чиқмаса, онланинг шанига бирон номаъқул гап келтирмаса, танбеҳга нима ҳожат? Қўни-қўшниларнинг оғзидан тушмайди: гўё тангри ҳамма яхши ҳислатларни йиғиб унга бергандай...

Мактабда ҳам жуда яхши ўқирди. Бироқ устанинг қизини ўқишга юбориш нияти асло бўлмаган. «Қиз бола ўқиб, шаҳар олиб берармиди? Қайтанга ота-онанинг кўзидан нари катта шаҳарда...». Бу гапни унинг ўзи ҳам бир неча бор такрорлаган одамларнинг орасида.

«Ҳов, уста Жўра, замонаси шуни кўтарибди, нима қиласиз? Сизнинг ҳам қизларингиз бор. Ҳа-а... Сағал.., А?» деганлар ҳам бўлганди ўшанда. Айтганлари оғзидан аримасдан олдига келди. «Тортинчоқ» қизи кези келганда отасини мум тишлатиб ўқишга кетиб қолди.

— Барибир кира олмайди. Ҳозир ҳамма жой таниш-билиш бўлиб кетган. Унга ўхшаган латтабош чўнтаги қуруқларга йўл бўлсин! — деди аламидан қизининг йўлига умид билан кўз тикиб ўтирган хотинига. — Лекин энди унга менинг эшигим берк. Қани, остонадан ҳатлаб кўрсин!

Хотин жимгина лаб тишлайди. Ҳозир унга гап қайтариб бўладими?

— Отажон! Энажон! Мен студент бўлдим! — дея кириб келган қизини кўриб кўзларига ишонмади. Беихтиёр суюниб кетди: «Демак, унинг тарбиясини олган қиз бекорга ўн йил мактабга қатнамапти-да, шунча борганлар қайтиб, фақат уни қабул қилишибди. Ана, Даврон мелиса папкасини кўлтиқлаб, ёз бўйи Тошкентга қатнади, бари-бир ўғлини қайтаришибди. Бибихол бўлса...»

Уста қизининг ўзбошимчалик қилиб кетганига қанча аччиқланмасин: бир лов этиб ёнди-ю, ўчиб қолди. Қаттиқ гапиролмади. Кўп ўқиб чарчаганми, ранглари синиқиб, бир тутам бўлиб қолган қизига қараб, беихтиёр унинг ҳам меҳмон эканлигини ҳис этганди ўшанда. Фарзанд эканда, кун кеч бўлиб қолганига қарамай, Маман қассобнинг уйидан қўй гўшти олиб келиб, хотинига тутқазди:

— Паловингни қўй, кампир. Палов Тошкентда ҳам кўп. Мана буни юмшоққина қилиб қайнатинглар. Қувватлироқ овқат егани маъқул.

Қиз бола бировнинг ҳасми эмасми, Уста кейинги пайтларда қизининг эртасини кўп ўйлайдиган бўлиб қолган. Оғиз солган совчиларнинг қай бирига муносиб кўришни билмайди. Ўзлари маъқул топишганини қизи ёқтирмай қолишидан чўчирди. Аммо юрагининг туб-тубида «қизим менинг айтганимдан чиқармиди» деган қатъий ишонч ҳисси ҳам йўқ эмасди. Ахир, ота-она ҳеч замонда ўз фарзандини чоҳга итармаслигига ақли етар.

Бироқ қизи яна девол суятиб кетди. Шу йилнинг бошида ўйлаб-ўйлаб, ўқиши ҳам охирлаб қолди деб, таги-зоти тоза биттасига рўйхушлик бериб жўнатганди. Йигит Тошкентдан «Уйланмайман» деб телеграмма жўнатганмиш. Совчилар ҳам ҳайрон». Ахир унинг ўзи шуни деганим деган деб туриб олган. Узр, энди. Бу ёшларгаям тушуниш қийин. Ҳали келсин...»

Йигит келгач масала ойдинлашди. Маълум бўлишича, ҳамма ишнинг бошида устанинг «тортинчоқ» қизи турган экан. Йигит билан гаплашиб, шундай телеграмма юборишга кўндирган эмиш.

Буни эшитиб, уста Жўранинг тепа сочи тикка бўлди. Аввалига қизи ёнида бўлмагани учун бор заҳрини хотинига сочди:

— Ана, қизинг, ана, ўзинг! Узинг пиширган ошни ўзинг ичавер. Бугундан бошлаб менинг ундай қизим йўқ! — деди.

Сўнг қизи келганда... Тўрт-беш кунлик таътилга, бир олам соғинч билан энтикиб келган гўдагига қаттиқ-қурум гапиришнинг эпини топа олмади. Аламлари ичида қолиб кетди яна. Ўзиям шунча бола ўстириб, бировини бир чертган одам эмас. Ахир, йўқ нарсани тарсаки-таёқ билан бор қилиб бўлмайди-ку. Туриб-туриб куёвликка домангир йигитнинг ўзидан ҳам ҳафсаласи қайтиб кетди. Узи қандай йигит экан? Ота-онаси бераман деб ўтирган қизнинг бир оғиз гапига лаққа тушиб, келган давлатга кесак отадиган? Қиз бола ҳеч замонда майли, дермиди?

Мана, қизи бир ойдан бери уйда. Институтларидан, практиками, алланимага юборишган эмиш. Эшикнинг қўнғироғи жиринглаганда телефонга югуришларидан ота кўнгли сергак тортиб юрар, ҳар замон хотинининг оғзини пойлар, аммо унинг лом-мим деб гап очгудай иштиёқи кўринмасди. Ниҳоят кеча...

Хотини қўшни районда яшаётган онасини кўргани кетган. Ҳар ким тенги билан экан-да. Устанинг назарида ҳовли ҳувиллаб қолгандай бўлди. На ўғилларига, на келинларига гапи қўшилади. Қизлари билан-ку, умрида бирон марта гурунг қилиб кўрган одам эмас. Айниқса, кечки пайт уста ҳовлига сиғмай қолди. Олача жилагини устига илиб, икки кўча наридаги узанги йўлдоши — Сувонбойникига жўнади.

Одамнинг кўнгли ғалати бўларкан. Юрак сезади, деб бекорга айтишмаса керак. Уша куни атай қилгандек Сувонбойникига боргунча ҳам, қайтгунча ҳам қизини хаёлидан чиқара олмади. Ҳувиллаган ҳовлида сўппайибгина ўтирган келини билан кичик қизи ҳам уни ёдига солди:

— Бибихол қаёқда? — беихтиёр сўради уста.

Қизи ялт этиб янгасига қаради. Келини тутила-тутила:

— Ичкарида, дарсини қиляпти шекилли, — деди.

Уста келинининг оғзидан бирон марта ҳам ёлғон эшитмаган бўлса-да негадир шу сафар ишонқирамади. Уйга кириб ҳам кўрмади. Ўзининг хонасига ўтиб, дераза-ларни очиб қўйди-да, ўрнига чўзилди. Кўзи энди илинаётган экан, «ширк» этган товушдан чўчиб тушди. Ўзини ўнглаб олмасидан, «лип» этиб дераза ёнидан ўтган шарпани кўриб қолди. «Бибихол?». Шу чоқ устанинг бўғзига биров пичоқ тортиб юборгандай бўлди. «Аблаҳ!». Бироқ ўрнидан туришга мажоли етмади. «Тонг отсин... Ўқиш, ўқиш деб мана ўқишдан ўрганган!». Уста омонат тишларини синдириб юборгудай тишланар, бўғилар, ҳар ағдарилганда ғичирлаётган сим каравот яна зардасини қайнатар эди. Қўшни хона эшигининг нолакор овози эшитилди. Аммо чироқ ёқилмади. «Аҳмоқ!». Ота диванда чўзилиб ётган қизининг ҳадик ва ҳаяжондан гупиллаб ураётган юрагига қулоқ тутгандай бўлди. «Узиям пушаймондир...», кўнглидан ўтказди беихтиёр. Шундан сўнг ухладими, тиканли симга юмалаб чиқдими, билмайди. Фақат эрталаб супир-сидир қилиб юрган қизининг эгик бошини кўриб, бировга қаттиқ гапириб кўрмаган кишининг уришмоғи қийинлигиданми, бироз ҳовридан тушди. «Балки, ўзи ҳам ўкинаётгандир... Онасига айтаман, яхшилаб гаплашиб қўяди».

...Кечки овқатдан сўнг ҳамма ўз юмушига туриб кетди. Уста одати бўйича ҳали яна бир чойнак чой ичиши керак. Умрида отаси билан ёлғиз қолиб, овқатланиб кўрмаган Бибихол бугун ўрнидан қўзғалмади. У жазосини кутиб ўтирган айбдордай, бошини қуйи солганча, ер чизиб ўтирарди. Бироқ отадан садо чиқмас, унга сари қиз ерга сингиб борарди. Ниҳоят, унинг ўзи гап бошлади:

— Ота...

Уста оғзига олиб борган пиёласини дастурхонга қўйиб, қизига савол назари билан қаради.

— Кеча менга қаёққа кетиб қолди, деб аччиқландингизми? Сиздан сўраёлмай кетганим учун ўзим ҳам... Ҳалиги Раҳмат бобонинг қизи Майрам келиб, қўймасдан олиб кетди. Туғилган куни экан. Бормайман десам ҳам...

Уста лом-мим демай, пиёлани яна қўлига олди. Қизининг гапи ёлғонлигини ҳам, қаршисида ёлғонни эплаёлмай ўтирган қизи эканлигини ҳам яхши биларди.

Шу чоқ ичкаридан жиринглаган овоз эшитилди. Ерга тикилиб ўтирган Бибихолнинг киприклари пирпираб кетди, аммо ўрнидан қўзғалмади.

— Опа, сизни бир дугонангиз... — айвондан туриб қичқирди кичик қизи.

Устанинг яна қовоғи солинди. «Кошкийди билмаса, қандай дугонаси эканлигини! Ҳаммасининг тили бир...».

Очиқ деразадан шивирлаган овоз эшитила бошлади.

— Отам борлар. Йўқ... Уришганларида қайтанга яхши бўларди. Йўқ... Тушунсангизчи, отам борлар деяпман-ку сизга! Бўлди энди телефон қилманг. Йўқ, чиқмайман!

Ота жилмайди. Телефонда гаплашаётган «қиз» ҳам уники.

Жамила ЭРГАШЕВА.

СПОРТ

ШАХМАТ:

ЯНА ДУРАНГ

● Лион шаҳрида жаҳон чемпионатининг иккинчи босқич ўйинлари давом этмоқда.

Чемпион Г. Каспаров билан тож даъвогари А. Карпов ўртасида ўтказилган 15-учрашув ҳам томонларнинг битимга келиши билан якунланди. 34-юришга борганда тугаган бу ўйиндан кейин умумий ҳисоб 7,5:7,5 бўлди. Навбатдаги учрашув 1 декабрь, шанба куни бўлиши кутилмоқда.

ФИГУРАЛИ УЧИШ:

НАФОСАТ БАҲСИДА

● Чехо-Словакиянинг Оломоуце шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда Италия, Франция, ГФЖ, Польша ва ССЖИдан тўпланган моҳир спортчилар ўзаро баҳслашдилар.

Нафосат баҳсига айланган бу мусобақада тошкентлик Ружена Асанова билан Муслим Саттаровлар ҳам иштирок этишди. Вакилларимиз спорт рақси ва эркин машқларни бажариш бўйича халқаро мусобақада учинчи ўринни эгаллашди.

ВОЛЕЙБОЛ:

ЯХШИ БОШЛАШДИ

● Жумҳуриятимизнинг эркаклар волейбол командаси янгитдан ташкил этилиб, мамлакат чемпионатида муваффақиятли иштирок этмоқда.

«Шарқ қанотлари» номини олган бу жамоа биринчи лигада иштирок этаётган 12 команда қатори куч синашмоқда. Волейболчиларимиз дастлабки ўйинларни Қозоғистон пойтахтида ўтказиб, ўз гуруҳида иккинчи бўлишга эришди.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

● ҚИТЪА СОВРИНИ. УЕФА кубоги учун ўтказилган нимчорак учрашувда пойтахт торпедочилари Франциянинг «Монако» клубини қабул қилишди. Тўпларни торпедочилардан Тишко билан Савичев дарвозага йўлладилар. Танаффусдан кейин меҳмонлардан Пасси жавоб тўпи киритди. Шундай қилиб, футболчиларимиз 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. 11 декабрь куни сафарда такрорий ўйин бўлади.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

НАВОИЙ ФИЛИАЛИ ҚАФЕДРАЛАРИ БЎЙИЧА

профессор-ўқитувчилар таркибидаги бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: энергетика фанлари (2), техникавий механика;

катта ўқитувчилар: ижтимоий фанлар (2) — сиёсий иқтисод, социализм назарияси, қурилиш ишлаб чиқариши технологияси ва уни ташкил қилиш, машинасозлик технологияси («машина деталлари» фани бўйича);

ассистентлар: ижтимоий фанлар (4 — сиёсий иқтисод —2, сиёсий тарих, совет ҳуқуқи), қурилиш ишлаб чиқаришлари технологияси ва уни ташкил қилиш (4— «саноат ва фуқаро бинолари меъморлиги», «қурилиш машиналари», «темир бетон конструкциялар», «металл конструкциялари» фанлари бўйича), энергетика фанлари, олий математика («ҳисоблаш техникаси» фани бўйича).

Танлов муддати — 28 декабргача.

Манзилимиз: 705017, Бухоро шаҳри, Ленин комсомоли шоҳкўчаси, 15-уй.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

1990 ЙИЛ 22 ДЕКАБРДАН 1991 ЙИЛ 14 ЯНВАРГАЧА

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

ҚИШКИ ҚАНИКУЛ КУНЛАРИДА

ЦИРКДА АРЧА

ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ

Томошада Қорбобо, Қорқиз ва эртак қаҳрамонлари, шунингдек ўргатилган ҳайвонлар ҳам қатнашадилар.

ТОМОШАЛАР

22 декабрда — соат 16, 19.00 да,
23 декабрда — соат 12, 15, 18.00 да,
24—29 декабрда — соат 10, 12, 14.30, 17, 19.00 да,
30 декабрда — соат 17, 19.30 да,
31 декабрда — соат 17.00 да,
1 январда — соат 10.00 да,
1—7 январда — соат 17, 19.30 да,
8—13 январда — соат 10, 12, 14.30, 17, 19.30 да бошланади.

Нақд пул тўлаш ва пул ўтказиш йўли билан олдиндан патталар сотиш ташкил этилган. Пул ўтказиш учун соат 10.00 дан 18.00 гача, 1 декабргача ёзилиш мумкин.

Касса ҳар куни соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

100 дан зиёд патталарга эга бўлган буюртмалар ноҳия кассаларида иш жойларига хизмат кўрсатади.

Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-84,
Маъмурият — 44-29-04, 44-35-91.

1990 ЙИЛ 1 НОЯБРДАН кўп миқдорда ошди.

«ОСИЁ-БАНК»

ТОШКЕНТ ТИЖОРАТ БАНКИ

банк омонатчилари ва фуқароларга шуни маълум қиладики,

Маълум муддатли омонатлар бўйича фоизли даромад Муддатли омонатларнинг эгалари янги тартиб асосида шартномаларни қайта расмийлаштиришлари зарур.

Аниқ маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700093, Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси, 2-мавзе, 8-уй. Телефон 21-30-18.

ЙЎЛОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

● Қардош Қозоғистоннинг Сариоғоч шаҳри билан Тошкент ўртасида қатновчи автобуслар йўли қисман ўзгарди.

Гап шундаки, Келес шаҳридан ўтган темирйўл магистрали автобусларнинг равон ҳаракат қилишига халал бериб келар эди. Энди улар Келес шаҳрига кирмай, халқайўл орқали Ҳасанбой ва Қирариқ қишлоқлари бўйлаб катта трактга чиқадиган бўлди.

Тошкент вилояти пассажирлар ташиш концерни билан Сариоғоч автотранспорт корхонаси ўртасидаги келишувга биноан кўрилган бу тадбир йўловчилар учун катта қулайлик туғдирди. Шунингдек, Тошкент—Абдурахмонов маршрутидаги автобуслар ҳам шу йўналишда юрадиган бўлди.

(ЎзТАГ).

«02» ХАБАР ҚИЛАДИ

ҚЎЧМА ҚУРОЛ-ЯРОҒ ОМБОРИ

Хизмат вазифасини ўташ даврида турли воқеаларга кўникиб қолган милиция ходимлари Термиз шаҳар меъморчилик бошқармаси бухгалтери Надежда Т. нинг уйидан топилган қурол-яроғларни кўргандa, ҳайратларини яширолмадилар. Аёлнинг таъкидлашича, қурол-яроғлар турмуш ўртоғи ҳарбий хизматчи Николайга қарашли экан. Уйдаги кўчма омборда бешотар милтиқ, ов милтиғи, ов пичоғи, оптик мўлжаллагич, иккита дурбин, иккита зирҳли камзул, 127 дона ўқ, автомат овозини тиндиргич сақланган.

«ҚИММАТБАҲО» РЎЗНОМА

Тошкент шаҳар Ленин ноҳия озиқ-овқат савдоси идорасига қарашли 84-дўкон сотувчиси Н. 4-Қўйлиқ даҳасидаги 28-уй яқинида қўлидаги газетани икки номалум киши олиб қочганда, беихтиёр чинқириб юборди. Қизиқ мақола чиққан газетадан ажралгани учун эмас, албатта. У савдо пулидан 1400 сўмни унга ўраб олганди.

ЎҒРИДА ИМОН БОРМИ?

Ўғрида на имон, на инсоф бор дейишади. Шу йил 6 ноябрга ўтар кечаси Наманган шаҳридаги Уйчи кўчасига жойлашган масжиднинг дераза ойнасини олиб ичкарига кирган диёнатсиз киши гилам ва 14 дона «Қуръони шариф» китобини ўғирлаб кетди.

Шу куни Нукус шаҳридаги Савицкий номли давлат музейи залида намойиш этилаётган христиан динига оид экспонат ҳам ўғирланди. Мазкур буюм 58x14 сантиметр ҳажмда бўлиб фил суягидан Германияда ишланган эди.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
жумҳурият Ички ишлар вазирлиги ходими, милиция капитани.

САНЖАР, ҚАЕРДАСАН?

Санжар Сафарович Бердибеков 1983 йил 9 сентябрда туғилган. У 1990 йил 25 ноябрда эрталаб тахминан соат 10 — 10.30 ларда Тошкентдаги педиатрия илмий-текшириш институти касалхонасидан ўз ҳолича чиқиб кетган. Ёнидагиларга уйга кетаяпман, деган. Бироқ у уйига келмаган.

Белгилари: бўйи 1 метр, қорачадан келган, гавда тузилиши ўртача, сочи қора, олд қисми узун. Қошининг устига тушиб туради. Кўзи ва қоши қора. Юзи чўзиқ. Баданида ҳеч қанақа белгилари йўқ.

Кийими: эгнида қизил жемпер, чап томонидаги кўкрак чўнтаги устида кўкиш чет эл фирмаси белгиси бор. Шимда, оёғида қизил рангли уй шиппаги бўлган.

Санжарнинг тақдиридан хабардор бўлганлар Жиззах вилояти Зарбдор ноҳиясидаги «12-Андижон» совхозига ёки яқин орадаги милиция органига хабар қилишларини сўраймиз.



ДАРАКСИЗ ЙЎҚОЛСА...

Даракси йўқолди. Ана шу қисқагина милиция маълумотида ҳозирги тинч шароитда кутилмаган жудолик ва инсон тақдирининг изтиробларини яширинг ётибди. Бу сўзларда ўз яқин кишиси ҳаётлигига ишонч ва у билан дийдор кўришиш умиди ҳам мавжуд.

Жумҳурият Ички ишлар вазирлиги даракси йўқолганларни қидириб топиш йўлларини изламоқда. Жумҳурият соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Тошкент шаҳар ижрокоми ички ишлар бошқармаси қошида мамлакатимизда иккинчи ва Ўрта Осиё минтақасида биринчи бўлиб бахтсиз ҳодисалар бюросини ташкил этди. Бюрога истаган вақтда — тундами ёки кундузи 33-28-14, 56-97-39, 56-96-58 телефонлари орқали мурожаат этишингиз мумкин.

А. КУЗНЕЦОВ.

ЎзССЖ Маҳаллий саноат вазирлигининг раҳбарияти, партия ва касаба уюшмаси ташкилотлари жамоаси Олмалиқдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори Х. П. Тўрақуловга онаси

Олтибуш ТУРАҚУЛОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг кимё билимгоҳи ходимлари кимё фанлари доктори, профессор А. А. Аъзамхўжаевга акаси

Яҳё ОДИЛОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Иттифоқ-жумҳурият «Ўзбек ўрмони» ўрмон хўжалик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси, шу бирлашма Давлат ўрмон назорати бўлимининг бошлиғи Е. Т. Усмоновга отаси

Толиб УСМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ССЖИ Жамғармалар банки Ўзбекистон жумҳурият бошқаруви жамоаси ишларни бошқариш бўлими бошлиғи А. Г. Набиевга онаси

Баҳринисо НАБИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир ўринбосари Т. Н. НАЖМИДДИНОВ.

Рўзнома муҳарририяти: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, С. Ф. МУҲИДДИНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: Муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; партия турмуши—33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда—32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт—33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-15-20, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт— 32-54-14, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана и Верховного Совета Узбекской ССР

ИНДЕКС 64583.

№ 274. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12